

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ПРЕСЕНДЖА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 87 (3317)

1999 йил 10 декабрь, жума

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВнинг ДАСТУРИ



Биз XXI аср бўсағасида — янги буюк ўзгаришлар, жамиятимизнинг янгиланиши ва қудратли тараққиёти бўсағасида турибмиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислохотлардан асосий мақсад юртимизнинг янада ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.

Бу стратегик ва дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда биз мамлакатимизнинг ички ва ташқи аҳолини тақдидий кўз билан чуқур таҳлил қилиб, ўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишимиз зарур.

Бу устувор вазифалар нима-лардан иборат?

Биринчи устувор вазифамиз — иқтисодий тартибнинг изчил ўсиши ва самарадорлигини ошириш демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасининг барқарор ва узлуксиз яхшиланиб боришини таъминлаш зарур. Бу борада кам таъминланган, муҳтож оилалар ва одамларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу мақсадда яқин беш йил давомида:

— иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баробар ошириш. Шу билан бирга аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача

даромадни 1,8 — 2,0 баробар кўпайтириш;

— миллий пулимизнинг қадрсизланишига қарши қатъий чораларни кўриш ва шулар ҳисобидан одамларнинг реал (амалдаги) даромадини мунтазам ошириш;

— давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга эътиборни кучайтириш;

— бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда ва ажратилган маблағларнинг самарасини оширишда маҳалла жамоатчилигига кенг миқёсда суяниш;

— ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш, шунингдек, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2005 йилгача бўлган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ишсизлар ва ортиқча ишчи кучларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида янги иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу ишга чет эл сармоялари ва ички имкониятларни кенг жалб этиш;

— ижтимоий инфратузилма-

ни ривожлантириш, аввало қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш давлат дастурининг бажарилишини яқини етказиш, 2005 йилга қадар ичимлик сув билан таъминлаш миқдорини 85 фоизга, табиий газ билан эса 82 фоизга етказиш;

— соғлиқни сақлаш ва экологик хавфсизлик соҳаларида қабул қилинган дастурни ҳаётга жорий этиш масалаларини қаттиқ назоратга олиш.

Биз бу ўта муҳим ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун авваломбор ислохотларимизнинг **иккинчи асосий устувор йўналиши** бўлиши сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этишимиз мумкин.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваломбор, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўйбга чиқариш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш, инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини ҳимоялаш лозим.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар — ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш.

Иқтисодий соҳани янада эркинлаштириш мақсадида биринчи навбатда, давлат бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликлари ва

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдулҳафиз Мараҳимович ЖАЛОЛОВнинг ДАСТУРИ



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг барча амалдаги қонунларига содиқлик, уларнинг изчил амалга оширилиши ва мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг рўйбга чиқиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни — кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви тизимини изчил қарор топтириш, шунингдек, Ватанимизнинг илғор жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаши манфаатларидан келиб чиқиб, қуйидагиларнинг бажарилишини, биринчи галдаги вазифалар сифатида амалда таъминлаш:

Сиёсий соҳада — давлат ҳокимиятини халқнинг бевосита ва унинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари тимсолида, билвосита назорати остида бўлиши;

— давлат ҳокимияти вакиллик идораларини, асосан, халқ томонидан, сиёсий партиялардан, сайлаб қўйиладиган депутатлар таркибидан иборат тарзда шакллантириш;

— сиёсий партиялар жамиятдаги мавқеининг, уларнинг намоёндалари томонидан давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, сайловлар натижасида, эгаллаган ўринларидан келиб чиқиб, фарқланиши;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонуний-ҳуқуқий негизларини яратиш, уларни мунтазам такомиллаштириш ва ҳ.к.

Иқтисодий соҳада — иқтисодий эркинликнинг шахс, инсон ҳурлиги барча шакл-шамойилларининг дастлабки, туб, ҳал қилувчи асоси бўлиши;

— ҳар бир фуқаронинг мулк, унинг шаклидан қатъи назар, соҳиби бўлиш ҳуқуқини рўйбга чиқиш имкониятининг воқелиги;

— қимматий ахборот воситаларининг мустақиллигини янада кучайтириш, пировард нати-

жада, уларнинг масъулиятини фақат қонунлар доираси билан чекланган бўлиши;

— энг оддий фуқаронинг овозини жамиятда баралла эшитилиши, унинг катта сиёсатга таъсир эта билиши имкониятларининг мавжудлиги;

— барча давлат идоралари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга сўзсиз итоат этишининг, бундан ҳеч ҳам бўйин товлай олмасликларининг жиддий (етақчи, идора этувчи) мураббатларини яратиш;

— жамоат ташкилотлари барча кўриниш ва шаклларида, халқ оммаси ташкилий уюшқоқлиги тимсоли сифатида, жамият ва давлатни бошқаришдаги фаол иштироки;

— кўзланаётган барча олижаноб мақсадларга эришишнинг қонуний-ҳуқуқий негизларини яратиш, уларни мунтазам такомиллаштириш ва ҳ.к.

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларининг, ўзларининг қонунларига белги-ланган ваколатларини бажаришдаги, чинакам, жумладан, молиявий-иқтисодий мустақиллиги;

— қимматий ахборот воситаларининг мустақиллигини янада кучайтириш, пировард нати-

жадан ҳар бир кишининг шахсий манфаатдорлигининг ҳисобга олиниши;

— ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолият тури, унинг натижасида етиштирилган маҳсулотни сотиш бўйича нарх-навони мустақил белгилаш ва ундан келган даромадни, фойдани, ўз хоҳишига кўра, тасарруф этиш эркинлиги;

— кичик ва ўрта бизнесни кенг миқёсларда ривож топтириш;

— товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракат қилиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги (амалдаги қонунларда кўзда тутилган чеклашлар бундан мустасно);

— иқтисодий ҳаётга оид ишончли ахборот хизмат тизимини жорий қилиш;

— солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи омилга айлантириш;

— давлат ҳокимияти, бошқаруви ва мансабдор шахсларнинг ишлаб чиқарувчилар хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашувига йўл қўймаслик;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча даражалардаги идораларининг, бозор муносабатларини инсоний, ижтимоий йўналиш ўзлашида ривож топиши заминларини яратишдаги аҳамиятини ошириш чораларини кўриш;

Давоми 2-бетда.

КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
КОНСТИТУЦИЯСИ**

Конституция куни арафасида давлатимизнинг асосий ҳужжати қабул қилинганлигининг етти йиллигига бағишланган пойтахт ички ишлар идоралари шахсий таркибининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Р. Ҳайдаров олиб борди.

Республика ИИБ Академияси кафедра мудири Р.

Қаюмов, ички ишлар идоралари фахрийлари ташкilotи вакили М. Ҳошимов ва бошқалар йиғилганлар олдига сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хосликларини ва ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида тўхтади. Бу мавзу муҳокамасида пойтахт милициясининг ёш ходимлари ҳам қатнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар

вазирининг Тошкент шаҳар ИИББнинг қатор ўрнатқучи ходимларига муддатидан олдин навбатдаги унвонларни бериш ҳамда пойтахт ички ишлар идораларининг бошқа ходимларини мукофотлаш ҳақидаги буйруғи ўқиб эшиттирилди.

Йиғин сўнггида тўпланганларга ўзбек эстрадаси усталари ижросида концерт намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББ шахсий таркиби билан ўтказилган навбатдаги Маърифат дарси ҳам Конституциямизнинг 7 йиллигига бағишланди. Унда Бош бошқарма бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Ш. Расулов Қомусимизнинг демократик хусусиятлари, фуқаролар ҳаётдаги аҳамияти ҳақида маъруза қилди.

У, шунингдек, юрtdошларимизга ватанпарварлик, ўз эл-юртидан фахрланиш туйғуларини сингдира бориш зарурлигини таъкидлади. Ш. Расулов АҚШ элчихонаси хавфсизлик хизмати ходимлари ўз диёрларини қандай ифтихор, гурур билан ёдлашларига гувоҳ бўлганини таъсирчан ҳикоя қилиб берди.

Дарсга таклиф этилган Тошкент шаҳар "Маънавият ва маърифат" маркази бўлим бошлиғи Х. Ҳакимов Қомусимиз қатор давлатларнинг конститу-

цияларидан кўп жиҳатдан устунигини таъкидлаб, тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

"Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири У. Абдуазимова ўз шеърларидан ўқиб берди, осойишталик посбонлари ҳақида илқ фикрларини билдирди.

Пойтахт ИИББ ЁСБ бошлиғи Э. Жуманов эса ўз сўзида "Тонг юлдузи" газетаси ўз саҳифаларида болалар ва ўсмирлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қондаларини тарғиб ва ташвиқ қилиб, хайрли ишни амалга ошираётганини тилга олди. Убу йил болаларининг ёнғинга сабаб бўлиш ҳоллари бултургидан 12 фоиз камайганлигида газета ижодий жамоасининг ҳам муносиб улуши борлигини қайд қилди.

Дарс сўнггида ИИББ қошида тузилган С. Азизбоев раҳбарлигидаги "Оқ қуш" ансамблининг бадиий чиқишлари шахсий таркибга завқ-шавқ улашди.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиби билан ўтказилган навбатдаги Маърифат дарси Ўзбекистон Республикасининг Асосий қомуси – Конституция кунига бағишланди. Дарсда ҚР Адлия вазирининг ўринбосари, юридик фанлари номзоди Қурбонбой Сейтназаров "Буёқ дастуриламал" мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, ҚР Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция подполковниги С. Полвонов Конституция ва унинг аҳамияти ҳақида сўзлади.

Бундан ташқари вазирликда ўтказилган Конституция байрамида кўплаб ходимлар намунали хизматлари учун тақдирландилар. Байрамга таклиф қилинган ички ишлар идоралари фахрийлари муносиб меҳмон бўлдилар.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизнинг Асосий Қонуни ҳисобланади. У жамият барқарорлигининг ҳуқуқий кафолати, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга қаратилган одил сиёсатимизнинг ойдин йўлини кўрсатиб берувчи қомусдир.

Тошкент вилояти ИИБда Конституция кунини муносибати билан ўтказилган навбатдаги Маърифат дарси ана шу мавзуга бағишланиб, унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги Шавкат Ўразаев иштирок этди.

Маърифат дарсида Қомусимиз барча қонунларнинг бош манбаи сифатида фаолиятимиз йўриқномасига айланганлиги, унда бугунги воқеялигимиз ҳамда эртанги кунимизга бўлган ишонч ўз ифодасини топганлигини кундалик ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар амалда тасдиқлаётгани таъкидланди.

М. СУЛТОНОВА.

АЖОЙИБ ИНСОН, МУНОСИБ УСТОЗ

Қутлов!



Қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг яхши бир гапи бор: "Ака, сизни фалончининг ошида кўрмадим", деган. Очиғи, бу у кишининг эмас, халқнинг гапи. Буни ўзи тан олиб айтган. Шу гапни эслаганимда хаёлимда яқиндагина милиция полковниги унвонини олган устозимиз, ажойиб камтарин инсон Сулаймон ака Гайиров гавдаланди. Наҳотки у киши 50 ёшга кирди. Ишонгим келмайди.

Тақдир тақозоси билан нақлиёт ички ишлар бошқармасида бир йил хизмат қилишимга тўғри келди. Бу ерда кўплаб ажойиб инсонлар бор эканки, улар билан ҳамкасб, айримлари билан эса яқин дўст, ҳамфикр бўлиб қолдик. Очиғи улардан жуда кўп нарса ўргандим. Айниқса, биз улғайдиган инсоний хислатлар – хушмуомалалик, ширинсуханлик, барчага бирдек муносабатда бўлишдек ажойиб фазилатларни Акбар ака Жалилов, Омон ака Салаев, Камолiddин ака Андамуродов, Зафар ака Мирпаязов, Ҳаким ака Юнусов каби бир қатор кишилардан ўргандим. Шулар сингари Сулаймон ака Гайиров ҳам мен учун ўзига хос бир олам, бир дунё характерга эга инсон, ажойиб устоз бўлиб қолди.

Сулаймон ака ҳақида кўп нарса ёзиш мумкин. Хизмат юзасидан бўладиган айрим

масалалар юзасидан маслаҳат сўраганимизда бегараз ёрдам қилгани, ёши катта бўлсада биз каби ёшларни иззат қилгани учун унга нисбатан ҳурматимиз ошган бўлса не айтади.

Тошмурад Мейлиев айтганди: Сулаймон ака билан хизмат сафарига борсанг "синдиради" деб. Дастлаб ўзим ҳам кўрқиб кетувдим. Қандай қилиб, нимани синдиради, ахир. Сулаймон ака ўша вақтда баъзи бир айб иш қилиб қўйган милиция ходимларининг хато ва камчиликларини ўрганиб, уларнинг қилмиши юзасидан хулоса чиқарадиган бўлимда ишларди. У шуни назарда тутган экан. Айбдор ходим минг дод-вой қилмасин, қилмишинга яраша тегишли жазонингни олсан, тамом-васалом, дея қаттиқ туриб оларкан. Шунинг учун ҳам айрим инспекцияга иши тушиб қолганлар Сулаймон ака борадиган бўлса у келмасиданоқ айбига иқрор бўлиб, аризасини ёзиб қўяларкан.

Дарвоқе, Сулаймон ака бугун "катта" одам. Нақлиёт ички ишлар бошқармасининг юк поездларини кузатишга масъул бўлган ходимларга етакчи. Улар ҳам кам одам эмас. Сафларида бир неча юз милиция бор. Шуларга бошлиқ. Тажрибаси бўлгани, ҳақни, ҳақиқатни ҳар нарсадан устун қўйгани учун унга шу иш топширил-

ган. Энди юксала бошлаган юртимизга чет эллик ишбилармонлар катта ишонч билан пулларини қўйиб турган пайтда, улар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўғри деган касофатлар ўмариб турса, яхши эмас-да ахир. Шу боис, UzDAEWOO AVTO сингари корхоналарнинг маҳсулотларини кўриқлаётган, дастурхонимиз кўрки нон бўладиган донимизни талон-тороғликларсиз манзилга етиб боришни таъминлаётган ушбу хизмат ходимлари фаолиятининг тўғри ташкил этилишида Сулаймон ака ва унинг сафдошларининг муносиб ҳиссаси бор.

Бу инсон ҳақида яна кўп ёзиш мумкин.

Ойлангиз бахтига омон бўлинг, Сулаймон ака. Эллик йил ўтибди, яна шунча ўтмай қолмайди. Илоийм юзга қиринг, ундан ошинг.

Шухрат РЎЗИЕВ,
милиция капитани.ы

Навбатчилик қисми

ИШЛАМАЙ ТИШЛАМОҚЧИ БЎЛИШДИ

Пойтахтнинг Ҳамза тумани ИИБ навбатчилик қисмига "Фаргона йўли" кўчасида жойлашган қоғоз ишлаб чиқариш комбинати олдида талончилик содир этилгани ҳақида хабар тушди.

Тезкор гуруҳ воқеа жойини кўздан кечирди, жабрланувчи, юқоридаги комбинат ишчиси К. Қ.нинг кўрсатмаси билан қизикди. Шунда жиноятчилар уч киши бўлганлиги, К. Қ. ни кеч соат 23 дан 30 дақиқалар ўтганда пичоқ билан кўрқитиб, чарм курткиси ҳамда 38.000 сўм пулини олиб қўйишгани аниқланди. Кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган "Фаргона йўли" кўчасида яшовчи Д. Е ва Р. Ж.лар аниқланган ушландилар. Уларнинг шериги ҳам кўлга тушиши аниқ.

ГАЗ ИСИ ҲАМ ТИЛСИЗ ЁВ

Учкўприк тумани Охунбоев номли жамоа хўжалигидаги хонадонлардан бирида бахтсиз ҳодиса рўй берди.

Фуқаро Ф. А.нинг уйдаги темир печкага уланган газ ёқиб қўйилган эди. Кутилмаганда олов ўчиб қолди. Газ иси эса хонага тарқалаверди. Бундан беҳабар уй бекаси Ш. А. чироқни ёққанда бирдан портлаш содир бўлди. Оқибатда ўзи, шу хонада бўлган икки қизи ҳамда икки ўғли турли тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

АЗАГА АЙЛАНГАН МЕҲМОНДОРЧИЛИК

Олмалик шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига тушган маълумотда М. Улуғбек кўчасида қотиллик рўй бергани маълум қилинди.

Воқеа жойига зудлик билан етиб борган тез-

кор гуруҳ аъзолари суриштириб, ушбу жиноятни содир этган кимсани билиб олдилар.

Улуғбек кўчасидаги хонадонлардан бирида тоғ-металлургия комбинати ишчиси Х. Ф. ва унинг кўшниси Т. И. меҳмондорчиликда бўлишди. Ўтириш айна авжига чиққанда улар ўртасида низо келиб чиқади. Шунда Х. Ф. рақибининг бошига қўли билан кучли зарба беради. Т. И. шу жойнинг ўзида бу ёруғ оламдан кўз юмади. Зўравон ушланди.

ДЕРАЗАГА УЗИЛГАН ЎҚ

Бўстонлик туманида прокуратурадан тушган хабарда Ҳазалкент шаҳрида яшовчи, ишламайдиган А. Л. ўқотар қуролдан ноқонуний фойдалангани айтилган эди.

Милиция ходимлари ўша куни А. Л. уйда маст ҳолатда бўлганини аниқлашди. У фуқаро С. К. билан жанжаллашиб қолиб, 16 калибрли "ТОЗ" ов милтиғида кўшнаниннг деразасига қарата ўқ узади. Натижада С. К. елкасини жароҳатланиб, касалхонага ётқизилди. А. Л. кўлга олинди.

ЙЎЛОВЧИ ЧЎНТАГИДА...

ГЕРОИН

Дехқонobod тумани ИИБ навбатчилик қисмига "Чак-чак" ДАН масканида А. Қ. бошқарувидаги "Дамас" русумли автомашина тўхтатилганда гиёҳвандлик моддаси борлиги маълум бўлди.

Йўловчи А. Ҳ. Денов туманида яшайди. Шу куни машинада чўнтагида олиб келаётган 430 гр. героинни милиция ходимлари пайқашмайди, деб ўйлади чоғи. Хизмат ити дарҳол топиб беришни хаёлига ҳам келтирмаганди. А. Ҳ. энди қилмишига яраша жавоб беришига тўғри келади.

(Ушбу хабарлар Ўзбекистон Республикаси ИИБ тезкор маълумотномасидан олинди).

ҚОТИЛ ҲАЙДОВЧИ УШЛАНДИ

Одатда бир жиноят фош этилмагунча милиция ходимлари тиним билишмайди. Фикр-уйларини ким, қаерда деган саволлар чирмаб олади.

Жиззах тумани Ҳ. Носиров номли жамоа хўжалиги кўчаларининг бирида содир этилган автоҳалокатдан сўнг тезкор гуруҳ ходимлари худди ана шундай саволларнинг ечимини топишлари керак бўлди. Негаки, номаълум ҳайдовчи фуқаро М. Зиёевани ва унинг ўғли Фарходни кечаси

уриб, оғир жароҳат олганларга ёрдам кўрсатмасдан қочиб кетади. Оқибатда бир бегуноҳ аёл ҳаётдан кўз юмди, ўғил оғир аҳволда шифохонага ётқизилди. Автомашина орқа томондан келиб урилганлиги боис Фарходнинг кўргазмаларидан аниқ бир маълумот олиб бўлмади. Воқеа жойидан фақат иккита сариқ рангли бўёқ парчасигина топилди. Жиззах тумани шаҳарга туташиб кетганлиги сабабли қидирув ишлари кенг доирада олиб борилди, юзлаб ав-

томашиналар текширилди.

Бу орада қотил ҳайдовчи ўзини кўярга жой тополмай юрди. Машинанинг урилган жойларини текислаб, бўёб қўйганман, парчаланган олд ойнани алмаштирган бўлсам, энди топишолмайди, дея ўзини ўзи тинчлантирарди. Лекин қандайдир ҳалқа уни сиқиб келаётганлигини сезди.

Қидирув ишлари давомида жиноят содир этилган кун хўжалик худудидаги хонадонларда бўлиб ўтган базмлар аниқланди. Базмлар тасвирга

олинган видеотасмалар синчковлик билан кўздан кечирилди. Айниқса, автомашинаси бўлган шахслар алоҳида эътиборга олинди. Дастурхон атрофида ўтирган ширакайф М. Камолов гумон қилинди. Қидирув ишларининг ўнинчи кунини эр талаб милиция ходимлари гумондорли ва унинг автомашинасини ички ишлар бўлимига олиб боришди. Дастлаб у ҳеч нарсадан хабари йўқлигини айтиб, ўзини гўлликка солди. Бироқ автомашинанинг таг томони тек-

ширилганда иккита бўёқ кўчган жой борлиги аниқланди ва воқеа жойидан топилган бўёқ парчалари айнан ўша жойга мос бўлиб тушди. Шундан сўнггина Камолов ўша кунини базмдан спиртли ичимлик истеъмол қилиб, автомашинасини ҳайдаб кўчага чиққанлигини ва одам босиб кетганлигини айтиб қилмишига иқрор бўлди.

Ҳа, фалокат оёқ остида, дейди халқимиз. Лекин маст ҳолатда автомашинани бошқараётган ҳайдовчилар ана шундай фалокатларни ўзлари келтириб чиқармоқдалар. Оқибат эса маълум. Шундай экан, йўл юраман деган ҳар

бир ҳайдовчи арокдан ўзини тийгани маъқул. Бундан кўнгли хотиржам, йўли беҳатар бўлади.

Содир этилган жиноятни фош қилишда туман ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари, милиция майори Ш. Умаров раҳбарлигидаги тезкортергов гуруҳ аъзолари милиция капитани П. Элмуродов, милиция капитанлари Х. Холқўзиев, Б. Қурбонов, А. Жўраев, Ж. Мухторов, милиция лейтенанти М. Қўзиев ва милиция катта лейтенанти А. Алланазаровлар алоҳида намуна кўрсатишди.

Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,
милиция лейтенанти.

Куйида келтириладиган турли манбалардан олинган икки кўчирманинг ўзаро алоқаси йўқдек. Аммо зукко газетхон уларнинг бир иш бўйича (ҳа, айнан ҳуқуқий маънода иш бўйича) ўзаро жуда-жуда алоқадорлигини тезда илғаб олади.

ТУҲМАТ БАЛОСИ

Ундан Яратганнинг ўзи асрасин!

“Ҳаёт турғунликка тоқат қилолмайди. Тўхтадингми, унга етиш амримаҳол, — дейди Сорахон Толибжоновна Аҳмедова. У иш юзасидан ўзини ҳам аямайди, ҳамкасбларига ҳам тинчлик бермайди. Унинг қистовлари билан ўқитувчилар илмий изланишда. Баъзан у керагидан ортиқ қаттиққўлдек, мурасасиздек туюлади. Лекин эркаклар жамоасини бошқачасига бошқариб бўлармикан...”

“На посту” газетаси, №25-27, 1998 йил 6 март.

Нима кишини туҳматга ундайди? Қайси омил инсоннинг нарғи маънавий тубанлашиш бўлган чегарани босиб ўтишга мажбур қилади? Сорахон Толибжоновна билан суҳбатлашар эканман, мени шу саволлар қийнарди. Суҳбатдан сўнг, барча эшитганларимнинг маъзини англашга уринганимда ҳам бу саволлар исқанжасидан қутула олмадим.

Нима экан у? Ҳасадми? Аламми? Балки манфаат ётгандир унинг тагида? Балки туҳматчи бошқаларнинг руҳий азобланишларидан роҳатланар?

Булар тахминлар, холос. Сабаблар бисёр, албатта. Туҳматчининг феъл-атвори ва аниқ шарт-шароит баёнига ўтсак, бу балки хийла ойдинлашар.

Милиция полковниги юридик фанлари номзоди, доцент Сорахон Аҳмедова ҳозир республика ИИВ Академияси илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимининг бошлиғи. У адъюнктларнинг, докторантларнинг, яъниким илмий даражаларга даъвогарларнинг фаолиятларини ташкиллаштиради. Аммо куйида баён этиладиган машмашалар у янги тузилган ички ишлар идораларини бошқаришни ташкил этиш кафедрасига раҳбарлик қилаётган даврда юз берди. Кафедранинг барча ўқитувчилари эркаклардан иборат эди.

Айни шу пайтда тақдир уни Ш. Муродов

“Туҳмат — жиноят ҳуқуқидаги шахсга қаратилган жиноятлардан биридир. У бошқа шахсга иснод келтирадиган ёлгон уйдирмаларни тарқатишдир. Бундай маълумотларни бирор кишига оғзаки ёки ёзма шаклда етказиш ўларни тарқатиш ҳисобланади. Туҳматнинг уйдирмалиги шундаки, унинг ёлгонлигини тарқатувчи тан олади. Тарқатувчининг маълумотлар ҳаққоний бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминлари уни жавобгарликдан озод этмайди.

Оғир оқибатларга олиб келмаган туҳмат ҳақидаги иш жабрдийданинг аризасига кўра қўзғатилади ва у судланаётган шахс билан суд ҳукми чиқариш учун кетгунча ярашса, туҳтатилади”.

“Юридик лугат”.

билан (суд ҳукми кучга кирган бўлса ҳам, жавобгарнинг қилмишидан пушаймонлигини ҳисобга олиб, инсонийлик юзасидан унинг исми шарифини ўзгартирдик) учраштирди. Ш. Муродов маъмурий ҳуқуқ бўйича мутахассис, юридик фанлари номзоди — лўнда қилиб айтганда кафедра учун сув билан ҳаводек зарур эди. Аммо илмий даража, унвон ўз йўлига, уни кундалик меҳнат билан, касб маҳорати билан тасдиқлаб туриш керак. Янги ўқитувчининг айни шу жиҳатлардан оқшашини вақт кўрсатди. Қисқаси, у ўз вазифасини удалай олмагач, туғилган юрти Самарқандга юборишларини сўраб билдирди. Оилавий шароитини ҳисобга олиб, унинг илтимосини қондиришди. Кўп ўтмай ИИВ Академиясига қайтаришларини сўраб мурожаат қилди. Яна унга педагогик фаолиятини давом эттиришга имкон беришди. Аммо тегишли хулоса чиқармади, натижада навбатдаги шаходатдан шартли равишда ўтди, баъзи бир хизматга чиқмаган кунлари бўйича тегишли

ҳужжатлар тақдим этмади. Қисқаси, аста-секин ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёшлар тарбиячисига ярашмайдиган камчиликлари кўпая борди. Оқибатда у шаҳодатлаш тартибида лавозимига нолойиқлиги учун хизматдан бўшатилиди. Барча текширишларда бу тўғри чора деб топилди.

Ана шундан кейин Ш. Муродов ўзини ноҳақ жабр чеккан деб ҳисоблаб, уйдирмачилигини бошлаб юборди. Аввалига ИИВ Академияси раҳбариятига, кейин вазирликка, охири республика прокуратурасига Сорахон Толибжоновна устидан туҳмат хатлари ёғдира бошлади. Эмишки, унинг бошлиғи бинолар таъмири ва бошқа эҳтиёжлар учун пул йиғармиш. Эмишки, у қўл остидагиларнинг бировига неча мингдир хорижий валюта эвазига диссертация ёзишга кўмаклашганмиш. Эмишки, 40 нафар учинчи курс тингловчисига имтиҳон топширишларига энгиллик яратганмиш (қуруққа эмас!!!). Ҳар бир туҳмат хатидан кейин текширишлар ўтказилди. Ҳар бир текши-

риш текширувчиларнинг қанчалаб куч-ғайратини, вақтини шамолга совурди. Бу иғволар, миш-мишлар, текшир-текширлар қанчалаб оромини ўғирлаганини, асабини эғовла-

қалам олиб Фуқаролик кодексини ва унга берилган шарҳларни ҳижжалаб ўрганишга киришдим. Ўз уйдирмаларида рақибим пойтахтнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида таниш-билишларим борлигини, улар холис ечимга гов бўлишини ёзган эди. Шунинг учун Ш. Муродовнинг яшаш жойидаги судга — Самарқанднинг Сиёб тумани судига мурожаат қилдим.

Даъво аризамда уч банд бор эди: менга туҳмат қилинганлигини исботлашни талаб қилиш, жавобгарга маълумотлари ҳақиқатга хилоф эканини ошкора тан олишни, ИИВ Академияси раҳбарияти ва жамоаси олдида мендан кечирим сўрашни шарт қилиб қўйиш, жавобгардан етказилган маънавий зарарнинг каффорати сифатида менинг фойдамга 500.000 сўм ундириш”.

Судья М. Ҳабибов ўзининг холислигини, қатъийлигини намойиш этди. Унинг раислигида бўлиб ўтган суд даъвогарнинг аризасидаги барча талабларни қондириш ҳақида ҳукм чиқарди:

1. С.Т. Аҳмедованинг жавобгардан ўз шаънини, кадр-қийматини, обрўсини ҳимоя қилиш, шунингдек ўзига етказилган маънавий зарар учун жавобгардан 500000 сўм ундириш ҳақидаги даъво аризаси қондирилсин.
2. Жавобгар томонидан С.Т. Аҳмедова

Яқинда Сорахон Толибжоновна кўнғироқ қилиб, Ш. Муродов суд ҳукмининг бир бандини бажарганини — ИИВ Академияси раҳбарияти ва жамоаси олдида ундан кечирим сўраганини маълум қилди. Навбат кейинги бандларга. С. Аҳмедова эса энди фуқаролик ҳуқуқи муаммолари билан жиддий илмий шуғулланишни ўйлаб юрибди.

ҳақида ёзилган барча маълумотлар унинг шаънига доғ туширади, кадр-қийматини ва обрўсини тўқади деб топилсин. 3. Жавобгарга С.Т. Аҳмедовадан ИИВ Академияси раҳбарияти ва жамоаси олдида кечирим сўраб, маълумотлари ҳақиқатга хилофлигини тан олиш шарт қилиб қўйилсин. 4. Жавобгардан етказилган маънавий зарар учун даъвогар фойдасига — 500000 сўм, шунингдек суд харажатлари учун — 100000 сўм ва даъво қўзғаш учун — 875 сўм давлат божини ундириб олинсин.

Айтмоқчи, Сиёб тумани суди мамлакатимиз судчилиги амалиётида илк бора маънавий зарарни ундириш бўйича ҳукм чиқарди.

Суд жараёнидан бир неча кун кейин Сорахон Толибжоновна хизмат тайёргарлиги машғулот пайтида сўз сўраб академия жамоаси олдида нутқ сўзлади. Овози ҳаяжондан хиёл титрарди. Суд ҳукмини ўқиб бергач, у қийин дамларида қўллагани учун касбдошларига миннатдорчилик билдирди. Унинг кейинги гапи гулдурос қарсақлар ва ҳаяжонли ҳайқириклар билан кутиб олинди. Полковник погонини таққан бу ёқимтой аёл унга етказилган маънавий зарар эвазига тўланадиган пулни Қўқон шаҳридаги бир пайтлар ўзи тарбияланган 22-меҳрибонлик уйига ўтказишини маълум қилган эди.

Хулоса ўрнида: туҳматга қарши курашиш мумкин ва лозим. Ким ҳақ бўлса, ўзининг ҳақлигини қонунга суяниб исботлай оласа, қонун ўшалар тарафда. Юқорида келтирилган мисол бунинг исботидир.

ҲАМ ТАЛАБЧАН, ҲАМ ҒАМХҶҶР

Шамсиддин кўз очиб юмгунча ички ишлар идораларида йигирма икки йил хизмат қилиб кўйибди. Бу бир навқирон йигит умри дегани. У хизматни оддий милиционерликдан бошлади. Кўриқлаш хизматида посбон ҳам бўлди, патруллик ҳам қилди, навбатчи ёрдамчиси вазифасини ҳам бажарди. Ким нима деса десину, Шамсиддиннинг фикрича йигит киши милицияга ишга жойлашишдан олдин ҳарбий хизматни ўтган бўлса, нур устига аъло нур экан. Унинг ўз шахсий тажрибаси бунинг ёрқин исботи. Айниқса, сержантлик курсида орттирган кўникмалари унга жуда-жуда қўл келди.

Айрим ходимларнинг ўз хизмат кийимига орасликка унча эътибор бермаслигини кўрса у баъзан ичида "Армия кўрмаган шекилли" дейди, пайтини топиб ўша ходимга ётиги билан тушунтиради.

Тўғри, одамлар кийим-бошга қараб кутиб олиб, ақлингга қараб кузатишади. Лекин доимо одамлар ичида бўлгач, милиция ходими уларга ҳар жиҳатдан намуна бўлиши керак. А. Чехов айтганидек, инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак, жумладан кийими ҳам, муомаласи ҳам. Шамсиддин бунинг яхши билани, қўл остидагиларидан ҳам шуни талаб қилади. Оддий милиционерликдан ҳозирда Нурота тумани ИИБ жиноятнинг олдини олиш бўлинмаси бошлиғи даражасигача етган бўлса, бунда ҳарбий хизматда ўз-ўзига сингдирган кийиниш, муомала маданияти, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик, ички интизомнинг аҳамияти беқиёс бўлди.

— Ҳар қандай милиция ходими ўзини қайсидир маънода жиноятнинг олдини олишга ҳам жавобгар деб ҳис қилиши керак, — дейди Шамсиддин.

У профилактика хизматининг бутун нозикликларини яхши билди. Сабаби, хизматни оддий милиционерликдан бошлагани, ишнинг бутун иссиқ-совуғини бошидан ўтказганидан ташқари, ўзи ҳам бир неча йил участка инспектори бўлиб ишлади. Узоқ йиллар профилактика бўлинмасида катта инспектор вазифасини бажарди.

Ҳозир қайси бир участка вакили ҳақида фикрини, унинг ҳудудидаги аҳволни сўраманг, қоғоз-



га қарамай тўлиқ тавсиф бера олади.

— Абдухалил шўх, олов йигит, ғайратига ҳавас қилгулик. Шу йил ноқонуний сақланган икки ов милтиғини аниқлади, учта жиноятни очишда фаол иштирок этди, икки дайдини тутиб келди. Суннатилломи? Ўрта милиция мактабини битирган, оғир-вазмин. Ҳазгон нон комбинатидаги ун ўғирлигини ўзи очди. Бу йил участкасида жиноятлар сезиларли камайдди. Сабаби, одамларнинг тилини билди, жамоатчиликка суянади, — дейди.

Бу Шамсиддин фақат хотирасида қолганини гапираркан, ҳужжат юритмас экан дегани эмас. Столининг устида, тортмаларида ҳар қайси масала бўйича ҳужжатлар жиддлари тахланиб ётибди, деворга осилган жадваллар ҳам ўтказилаётган тadbирларни, бошқа кўрсаткичларни акс эттириб турибди. Дейлик, қайси участкада нечта муқаддам судланган истиқомат қилади, улар ҳозирда қаерда ишлайди, жанжалкаш оилалар билан ишлаш аҳволи қандай, тарбияси оғир болалар борми — кўйинг-чи, Нурота тумани участкаларидаги аҳволни кафтдаги чизикларидан яхшироқ билди десам, лоф эмас. Бу вазифада ишлайдиган одам шундай бўлиши ҳам керак.

— Айрим участкаларини ҳудуди баъзи вилоятлардаги туманлар билан тенглашса керак. Шундай бўлгач, қанийди ҳар бир инспекторимиз транспорт воситаси билан таъминланса. Айниқса, ҳозирги шароитда жиноятчи ул овда

бўлгач, унга пиёда етиш мушкул. Мусулмончилик аста-секин деганларидек, бу масалалар ҳам ҳал бўлиб қолар. Мана, уларга маҳалла посбонлари яқиндан ёрдам берапти. Ҳозир туманимизда 14та посбон фаолият кўрсатяпти. Уларни маош билан таъминлаш, моддий рағбатлантириш муаммоларини маҳалла кўмиталари билан баҳамжиҳат ҳал қиляпмиз, — дейди суҳбат асносида Шамсиддин.

У 1988 йилда милиция мактабини тугатган, лекин бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ёзув столи устидаги Маъмурий кодекс, Жиноят кодекси, унга берилган шарҳлар, китоб жавониди Президентимиз асарлари, газета-журналлар шундан далолат бериб турибди.

— Бугунги ички ишлар ходими ниҳоятда ҳуқуқий саводхон бўлиши, замон талабларини чуқур англаши, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам ҳисса қўлиши зарур. Қолаверса, бугунги фуқаролар илгаригиларидан ҳар томонлама онглилиги билан фарқ қилади, биз улар билан муомалада додираб қолмаслигимиз, иложи борича савиямиз жиндай юқори бўлиши керак. Чунки одамлар бир-ярим тушунмаган, баъзан тушунган масаласини ҳам биринчи галда ундан сўрашади.

Шамсиддин фақат иш-иш дейдиган раҳбар эмас. У ҳар бир ходимнинг кайфияти, оилавий аҳволидан ҳам доимо хабардор.

— Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади. Баъзан ходимимизнинг ўзи кўрсатолмаган эътиборни унинг оиласига биз раҳбарлар кўрсатишимиз керак. Уларни баҳоли қудрат ҳам моддий жиҳатдан, ҳам маънан қўллаб келяпмиз, — дейди Шамсиддин.

Ҳа, ана шундай фикрловчи, изланувчан, ходимларига талабчан, аини пайтда ғамхўр милиция капитани Шамсиддин Курбонов қабилад раҳбар бўлган жойда иш ҳамиша илгари силжийди.

Бобомурод ТОШЕВ.

Суратда: Нурота тумани ИИБ ЖООБ бошлиғи, милиция капитани Ш. Курбонов.

Хизмат тақозоси билан сафарга бораётган эдик. Автобус одамлар билан тирбанд.

— Отахон, келинг мана бу ерга ўтириб олинг, — деди бир ёш аёл ёнимизда турган кекса кишига жой бўшатар экан.

Тавозе билан лутф кўрсатган бу аёлнинг талаффузи ва ташқи қиёфаси унинг русийзабон эканлигидан далолат бериб турарди. Миллий урф-одатимизга риоя қилаётгани учун ён-атрофида турган одамлар аёлнинг келишган қомати-ю гулгун чехрасига меҳр билан боқиб кўйишди.

Кўзланган манзилга етиб бориб, мўлжал-

Шўрчи тумани Далварзин жамоа хўжалигида яшовчи А.Умид жаҳолатга берилган. Жазавага тушганда ўзини қўлга ололмайди, қўлга тушган нарса билан рақибига ҳамла қилишга тайёр. Унинг бу одатини яхши билган оила аъзолари имкони борича низо чиқармасликка уринишарди. Аммо ҳаёт барибир ўз ҳукмини ўтказар экан. Бир куни кеч соат 17-00лар атрофида А. Умид онаси билан айтишиб қолди. Онанинг ёнини олиб ўртага икки сингил тушди. Шунда... А. Умид қўлга тушиб қолган арматура бўлаги билан уларни дуч келган жойига савалай бошлади. Орадан

ҳеч қанча вақт ўтмай она-болалар "шилқ" этиб тушишди. Ўз онаси ва сингиллари қотилига айланиб, жавобгарликдан кўрққан А. Умид эса ўткир тигли жисм билан ўзини жароҳатлаб, касалхонага тушди.

Каттақўрғон тумани Беркут кишлоғидан Т.О. рашк оқибатида хотинининг

кўксига пичоқ санчди. Кейин эса қурилишда ишчи бўлиб ишлаётган Б.Дўсанни ички ишлар идорасида рўйхатда бўлмаган ТОЗ-8 русумли қирқма милтиқ билан отиб яралади. Жиноятчи ушланди.

Мана бу мудҳиш воқеа ҳам оилада содир бўлди. Пойтахтнинг "Фаргона йўли" кўчасида истиқомат қилувчи Р. Ж. ва Н. З.лар муаллим Ж. С. билан шу кўчадаги 37-уй ҳовлисида спиртли ичкилик ичиб ўтиришганда ўрталарида низо келиб чиқди. Р. Ж. ва Н. З. биргалашиб муаллимни уриб ўлдирди ва уни ўзининг "БМВ" автомашинасига ётқизиб, ёқиб юбордилар.

Айрим кимсалар ишлашга бўйинлари ёр бермай, турли ноқонуний йўللар билан текин даромад топишга интиломқдалар. Милиция ходимлари Урганч шаҳрида ўтказилган тезкор тadbир чоғида наманганлик Р. М. ҳамда ҳеч қаерда ишламайдиган урганчлик Р. Ё. Ал-Беруний кўчаси, 15-уй, 3-хонада 2 кг. 400 гр. опийни 1.350.000 сўмга пуллаётганда қўлга олишди.

Пойтахтнинг Чилонзор туманида эса А. Х. ва Ш. Ф.лар Тошкент автомобиль йўллари билим юрти талабаси С. Шаимовни ўзлари вақтинча яшаётган хонадонга буюмлар сотиб оламиз, дея алдаб олиб келиб, қўл-оёқларини боғлаб, кўрқитиб 19.000 сўм пулини олиб кўйишди. Зўравонлар ушланди.

Афсуски, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Ҳозирда хонадонларимизда қарор топган тинчлик, осойишталик, тотувлик, меҳр-оқибат, қўни-қўшничилик муносабатларидан қувонган ҳолда юқоридаги каби нохуш воқеаларни эшитиб қаттиқ ранжийсан, киши. Кўкракка урилган пичоқдан кўра қалбга етказилган жароҳат оғирроқдир. Ўзаро жанжаллашаётган туғишганлар бир-бирига тиг санчган экан, бунинг доғи умр давомида ювилмаслиги мумкинлигини асло унутмасинлар.

Биз кадрлаётган ва ҳурмат билан тилга олаётган хонадонларда нега бундай ҳодисалар рўй бермоқда? Оилаларимиз мустақил юртимизга хос бўлиши учун нималарга эътибор бериш керак? Бизнингча, аввало ушбу масканларда яшаётган кексалар, донишмандлар, олим фузалоларнинг доно маслаҳатларига қулоқ тутган ҳолда, ақл-заковат билан умр кечириш жуда-жуда муҳимдир. Ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай вазиятда ўзликни унутмаган, доимо инсон бўлиб қолган кишигина мард ва тантандир. У оиласи, маҳалласи, ўзи яшаётган даҳа, юртида обрў-эътибор топиб бораверади.

Саъдулла ШОДИЕВ.

САНЧИЛГАН ТИГ

даги ишларни битиргач, ҳокимлик қошидаги вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси йғилишида иштирок этишимизга тўғри келди.

Буни қарангки, ҳалиги аёл ҳам комиссия аъзоси экан. Ҳуқуқбузарлик содир этган ёшлар билан ўтказилган суҳбат чоғида у тумандаги мактаблардан бирида директор муовини бўлиб ишлаши маълум бўлди.

Мажлис тугади. Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш, деганларидек аёл билан суҳбатлашишга жазм этдик.

— Сезиб турибман, сизни менинг тақдирим қизиқтираяпти, — деди у ўзини Светлана деб таништиради экан. — Оиламиз асли Украинадан. Аммо мен Ўзбекистонда туғилиб ўсдим. Отам болагимда вафот этган. Онам эса... билмадим тирикчилик пайдами гиёҳвандлик моддаларини ноқонуний ўтказиш билан машғул бўлдилар. Бир-икки қўлга тушиб, тавба қилмагач қамалиб кетдилар. Онамнинг жинойи иши билан шуғулланган терговчи ёлғиз қолганимни кўриб уйга олиб кетди. У кишининг умр йўлдоши бағрикенг аёл экан, кучоқ очиб кутиб олди, уч болам тўртта бўлди, дея қувонди. Уларниқанда қолдим. Орадан саккиз йил ўтгач, онам жазо муддатини ўтаб қайтдилар. Ҳозир яна бирга яшайпмиз. Ўз уйдан жой бериб, оғир дамларимда суяган кишилар ўз отам ва онамдек азиз бўлиб қолишди...

Орамизда, хусусан милиция ходимлари сафида бундай саховатли инсонлар кўпайиб бораётгани қувончлидир. Оила шу даражада муқаддаски, жамики инсоний кадриятлар айнан ана шу масканда шаклланади, сайқал топади. Шу ўринда ўтган йилдан пойтахтимизда "Оила маркази" фаолият кўрсатаётганини айтиб ўтиш лозим. Оила аъналарини қўллаб, айтилик Республика "Наврўз" халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент бўлими томонидан "Бахтли оила", "Энг ибратли келинчак" кўрик-танловлари ўтказиш одат тусига кириб қолгани хонадонлардаги тотувлик янада мустаҳкамланишига олиб келяпти.

Булар яхши, албатта. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мустақиллик туфайли маҳалларнинг тарбиявий ролини янада ошириш, хонадонларда тинчлик, осойишталикни таъминлашга фаоллар билан бир қаторда осойишталик посбонлари, хусусан участка вакиллари ҳам муносиб ҳисса қўлишяпти. Биргаликда қилинаётган саъй-ҳаракатлар, ноқулай оилаларда олиб борилаётган профилактик тadbирлар ўз самарасини бермоқда. Лекин шунга қарамай миллий кадриятларимиз, урф-одатларимизни оёқ ости қилаётган, ўз қилмиши билан миллатимиз шаънига доғ тушираётган баъзи кимсалар ҳамон учраб турибди.

ЭЪТИБОР УЧУН РАҲМАТ

Ҳаёт турли тасодифларга, қувончу-ташвишларга тўла, дейдилар. Шунингдек, хом сут эмган банди билиб-билмай қилган иши билан ўзига-ўзи ташвиш орттириб, ажрини тортиши ҳеч гап эмас экан...

1971 йилда туғилган ўғлим Музаффар айрим сабаблар билан жазони ижро этиш муас-

сасасида жазо муддатини ўтамоқда. Яқинда ўғлимни кўриш учун муассасага бордим. Ва у ердаги вазиятни маҳбусларнинг яшаш, ишлаш шароитларини кўриб, безовта кўнглим анча таскин топди. Чунки зобит Азиз Мардонов бошчилик қилаётган бу муассаса ходимларининг хушмуомалалиги,

қариндош-уруғларини кўргани келганлар учун яратилган шароит ва учрашув хоналарининг саранжом, қулай ва бекамукўстлиги кўнглимни тоғдек кўтарди. Олиб борилаётган маънавий — маърифий ишларнинг таъсири яққол сезилиб турибди. Маҳбусларнинг иш ва яшаш шароити ҳам жуда яхши:

улар тўлиқ иш билан таъминланишган; шу боис ейиш-ичишда ҳам камчиликлари йўқ. Хоналар покиза, иссиқ. Ҳамма бир-бири билан хушмуомала. Шубҳа йўқки, муассасада жазо муддатини ўтаганларнинг дунёқарашини шаклланиб, ўз айбларини тушуниб етадилар ва бу ердан чиққач, минбаъд қайта жиноятга қўл урмайдилар.

Мен "Постда"нинг ашаддий мухлиси сифатида газетангиз орқали А. Мардонов, сержант Абдурахимжон қатори муассасанинг ҳамма ходимларига адашган бандалар билан олиб бораётган масъулиятли тарбиявий ишларида омад тилаб, доимо соғ-саломат бўлишин деб миннатдорчилик билдираман.

М. ЮСУПЖОНОВ.

Миннатдорчилик мактуби

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИ

Мустиқлик шарофати ила динимиз, тарихимиз, урф-одатларимиз тикланди, қадриятларимиз юксалди, улуг боболаримиз номи яна шарафланмоқда. Шу билан бирга ислом динининг фарзларидан бири бўлмиш рамазон ойи ҳам барча ватандошларимиз учун поклик, эзгулик, меҳр-оқибат ойи бўлиб қолмоқда.

Рамазон — бу муборак ой, барча мусулмонлар учун азиз ва муқаддасдир. Зеро ўн тўрт асрдан бўён башариёт олами хидоят сари даъват этиб келаятган Куръони Карим ушбу дамларда нозил бўлган.

Рўза тутиш қадимдан барча динларда узоқ тарихга эга. Маълумки, мисрликлар ўз байрамларида рўза тутган бўлсалар, уларнинг руҳонийлари ва кохиллари ҳар йили етти кундан то етти ҳафтагача рўзадор бўлганлар.

Хитойликлар эса баъзан оддий кунларда ҳам рўза тутганлар. Улар ҳатто, бошларига ташвиш тушган кунлари ўзларини рўзадор бўлишга мажбур қилганлар. Тибетда яшайдиган хитойликларнинг баъзи бир тои-

фалари йигирма тўрт соатлаб мутасил рўзадор бўлишди. Римликлар ва италияликлар душман бостириб келганда ғалаба қозониш учун рўза тутганлар.

Ислому мусулмонларга рўза тутишни фарз қилади. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом айтдилар: “Кимки рамазон ойида иймон ва умид билан рўза тутса, унинг илгари қилган гуноҳлари мағфират қилинади. Кимки Лайлатул-Қадр тунини иймон ва умид билан ўтказса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади”.

Ўз замонасининг буюк зоти Имом Ғазолий айтдилар: “Рўза тутиш жон учун закот, бадан учун риёзат, яхшилик учун даъватдур. Рўза — инсон учун гуноҳлардан тийилиши, жамият учун жиноятлардан сақланишидир”.

Шундай муборак бўлган рамазон ойида барча ватандошларимизга улкан меҳр-оқибат, сабр-тоқат ва тинчлик-тотувлик тилаб қоламиз.

Дурдона НАЗАРОВА,
Тошкент юридик
коллежи ўқитувчиси.

ҚАБР ҲАМЛАРИНИ ЎГИРЛАШДИ

Буни қарангки, ҳатто муқаддас мазорларга кириб ўғирлик қилишдан ҳам тап тортмайдиганлар бор экан. Жумладан, Тошлоқ туманининг Тожиқ қишлоғи қабристонидан куппакундуз кун икки йигит қабрлар атрофига панжара қилинган 13.879 сўмлик дюралюминий ўғирлаб кетаётганда қўлга олинди. Марҳумларнинг абадий оромгоҳидаги буюмларга тажовуз қилган бу кимсалар тирик ҳамқишлоқлари кўзига қандай қарашаркин?

ҲУЖЖАТСИЗ ҚУРОЛ

Қирғули туманида “Тошалаш” тадбири ўтказилаётган пайтда шубҳа туғдирган йўловчи Эрфон Умеров тўхтатилди. Аниқланишича, у “Двигатель монтаж” ташкилотига ишчи бўлиб ишлар экан. Ишласа ишлайверсин эди. Нима, кўчада юришга ҳаққи йўқми? Аммо битта “аммо”си чиқиб қолди. У куртқасига ўраб икки

стволли 16 калибмли ов куролни олиб кетаётган экан. Куролнинг эса ҳужжати йўқ эди.

ЎҒРИ ҲАМҚИШЛОҒИ ЭКАН

Бувайда туманида Чумбоши қишлоғи бор. Қишлоқда тадбиркорлар ҳам оз эмас. Яқинда шу қишлоқлик тадбиркор Лола Ҳамдамованинг Янгиқўрғон марказида жойлашган хусусий чеварчилик цехидан жами 75.000 сўмлик “Подольский”, “Чайка” ва “Аверла” русумли машиналари ўғирлаб кетилган. Милиция жабрдийданинг жонига оро кириб ўғрини далилий ашё билан қўлга олди. У жабрдийданинг ҳамқишлоғи ва тенгқури, ҳеч қаерда ишламайдиган Х. Х. бўлиб чиқди.

ПУЛНИ ҚОЛДИРМАНГ

Фарғона шаҳридаги “Сув-оқава” бошқармаси газнахонасидаги стол устида қолдирилган 127.096 сўм пул сирли го-

Қисқа сатрларда

ийб бўлди. Милиция уни аниқламасдан қўймайди. Аммо пулга масъул шахслар бундай хатога нега йўл қўйишди экан?

АНИҚЛАШГА КИРИШДИ

Фарғона шаҳар, А. Қодирий кўчасининг 100-уй 7-хонадонидан хонадон эгаси Х. Усмонов билан ноқонуний яшаб келган К. И.нинг жасади топилди. Уй эгаси эса ғойиб бўлган. Милиция гумондорни тутиш ва қотиллик сабабларини аниқлашга киришди.

ЁШГИНА ЎҒРИ

Қўқон шаҳрида номаълум шахс Туркистон кўчасидан “Ҳасанжон” хусусий савдо дўконига кириб 68.000 сўмлик эҳтиёт қисмларни ўмарганди. Милиция тез орада эҳтиёт қисмлар ўғриси аниқлаб, далилий ашё билан қўлга олди. Бу кимса 16 ёшли бола экан.

М. КИМСАНБОВ.

Одамнинг олasi ичиди деган гап бор. Шу боис кўзимизга бинойидек бўлиб кўринса-да, гоҳида беҳосдан нопок ишлар қилиб қўйиши мумкин бўлган нотавонлар ҳам учраб туради. Уларнинг қилмишини фoш этиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, элнинг тинч яшаши, беҳавотир умргузаронлик қилиши учун шу масканда доимо ҳаёт осойишта, тунлар осуда бўлишини таъминлашнинг уддасидан чиқиш керак. Туманда жиноятчилик тўлиқ жилвланди, дея олмайману, аммо вазият назоратимизда. Бир қатор шартли номланган тадбирлар ўтказдик. “Тошалаш”, “Тун”, “Арсенал”, “Корадори”, “Кидирув”, “Назорат” ва “Орият” каби тадбирларда жуда кўплаб қонунбузарликлар фoш этилди. Содир бўлиши мумкин бўлган бир қатор оғир жиноятларнинг олди олинди.

Айтайлик, уйда ноқонуний тарзда курол сақлаган одамнинг нияти беҳосият бўлади. Шу боис “Арсенал” тадбири пайтида туманининг биргина Кўл қишлоғидан 20 дан зиёд турли хилдаги куроллар мусодара қилинди. Одамлар бу куролларни жуда узоқ вақтдан бери яшириб сақлаб келишяётган экан. Уларни топши осон бўлмади. Лекин яхши гапга илон инидан чиқади. Фуқароларнинг кўнглига йўл топдик. Вазиятни тушунириб, улар қўлидан бу совуқ куролларни олишга муваффақ бўлдик.

Баъзилари бу менга отамдан қолган ёдгорлик, деб оёқ тирашди. Айримлари яширган жойини пинҳон тутишди. Уларни ҳам муомала билан хафа қилмасдан олишга эришдик. Бирок уч фуқарога нисбатан жиноий иш кўзга-тишга мажбур бўлдик.

Шахрисабз шаҳрининг Тўмарис кўчасида яшовчи А. Ш. турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб қолади ва уни қасддан ўлдириш мақсадида бошига теша билан уриб оғир тан жароҳати етказди. Оғир жароҳатдан хотини шифохонада вафот этгач, жиноий жавобгарликдан кўрқиб, ўз жонига ҳам қасд қилади — уйда ноқонуний равишда сақлаб келаятган 1964 йилда

ишлаб чиқарилган 16 калибмли милтигидан ўзини отиб ўлдирди. Мана унга отасидан қолган ёдгорлик кўрсатган каромат.

Дарвоқе, улар ҳам биз борганимиздаёқ “Э ака, сизлар курол сўраб келибсизлар. Мана курол”, деб даров олиб чиқиб бергани йўқ. Ҳар қишлоғу ҳар маҳалланинг тилини

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Бу дегани нафақат биз, балки маҳалла оқсоқолларининг ўзлари ҳам биз билан ҳамкорликда ишлашга интилиши керак. Бу қандай самара бериши эса юқоридаги мисоллардан кўриниб турибди.

Бесабаб қўлга тикон кирмас деганларидек, ҳар бир

Масалан, қузатувларимиз бўйича 18 ёшгача бўлганлар орасида 5 та жиноят содир этилган. 18 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар 13 та, 25 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ўртасида эса 31 та жиноий ҳолат қайд этилган. 30 дан 40 ёшгача бўлганлар орасида эса бу кўрсаткич 57 тани ташкил этади. Демак, улар ўқиш-ўрга-

ундира олмаётганидан нолиб шикоят қилиб келишди. Афсуски, ёрдам беришга ожизсан. Чунки улар ўртасида олди-берди расмийлаштирилмаган. Қонуний асосга эга бўлган бирорта ҳужжат йўқ. Тўғри, мен тушунаман, бизнинг халқимиз шу вақтгача қарзни расмийлаштириш учун нотариал идорасига бормаган. Лекин энди за-

за Абдуллаевларнинг ҳам ишончига кириб бирининг 100 минг, иккинчисининг 16 минг сўм пулини олиб қайтариб бермайди.

Шу ўринда бир жиҳатни айтиб ўтиш керак. Бу ерда қарз берганлардан ҳам хато ўтган. Ҳар бандида нафс деган бало бор эмасми, ҳалиги аёл уларга пулингизни шунча қилиб қайтараман, баъзиларига пулингизга арзон нархда ун олиб бераман деб ваъда бергач, улар осонгина тузоққа илинишган. Охири-оқибат мана фойдани ўйлаб, боридан ҳам айрилиб қолишди. Шу боис ҳар кимга ишонмаслик, ёлғон ваъдаларга учмаслик керак.

Қишлоқ шароитида дехқончилик муҳим ўрин тутди. Лекин дехқонлар мулкига кўз олайтираётганлар, уларнинг экин-ткинига зарур бўладиган техникаю минерал ўғитларни пинҳона ўмарийшга уринаётганлар ҳам учрапти. Нон бўлса нонхўр топилади, деганларидек, шу тарзда иш тутувчи айрим баднафс кишилар ҳам бор. Масалан, Гулистон жамоа хўжалиги боғ қоровули Абдурахмон Йўлдошев хўжаликнинг 3-бригадасидан 3 тонна аммиакли селитрани Б. Файзуллаев ва Ф. Қобулловларга 12 минг сўмга сотаётган пайтида ходимларимиз томонидан қўлга олинди.

Қоровулнинг маҳсулотни кўриқлаш ўрнига ўзи ўғирлаши ташвишланарли. Лекин туман “Ўзагрометанга” очик ҳиссадорлик жамиятида юкловчи бўлиб ишловчи Аҳаджон Норматовнинг қилиғи ҳам уникидан кам эмас. У ўзига ишончи топширилган мулкни ўзлаштириш мақсадида Озод Нормирзаев билан жиноий тил бириктиради-ю, унга 4 тонна аммофос минерал ўғитини 60 минг сўмга, яъни айрим баҳосига пуллаб юбормоқчи бўлганида қўлга олинди.

Хуллас, ходимларимиз жиноятчиликнинг барча турларига қарши аёвсиз курашни давом эттиришмоқда.

Хайрулла САЙФУЛЛАЕВ,
Шахрисабз тумани ИИБ
бошлиғи,
милиция полковниги.

ЖОҲИЛЛИК — ЖИНОЯТ ЭШИГИНИНГ КАЛИТИ

топиш учун бизга аввало маҳалла фаоллари, қишлоқ кенгаши оқсоқоллари ёрдам беришди.

Умуман, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, турли ҳуқуқбузарликларни бартараф этишда бизга маҳалла фаолларининг ёрдами бекиёс бўлаяпти. Масалан, уйдаги боланинг юриш-туриши биринчи навбатда ота-онага аён. Шунингдек, маҳаллада яшаётган кишиларнинг турмуш тарзини, уларнинг нима ишлар билан машғуллигинию қаерга бориб, қаердан келаятганини маҳалладагилар жуда яхши билишади. Ахир, юртбошимиз бекорга маҳаллага эътибор қаратайлик деяётганлари йўқ. Шу боис биз маҳалларда содир этилаётган жиноятларни мунтазам таҳлил қилиб бораёпмиз. Масалан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганимизда жиноят Зингирон маҳалласида (оқсоқоли К. Йўлдошев) 6 тадан 9 тага, Хабарлик маҳалласида (оқсоқоли К. Кўпайсинов) 2 тадан 6 тага кўпайган, Кеш маҳалласида (оқсоқоли М. Мухаммадиев) 2 тадан бирданга 11 тага ошган. Лекин шуни ҳам алоҳида қайд этмоқчиманки, Кўшқовуз (оқсоқоли А. Юсупов), Оқсарой (оқсоқоли Ф. Каримов), Камолот (оқсоқоли У. Хидиров), Гавушман (оқсоқоли Э. Тошев) ва бошқа бир неча маҳалларда биронта ҳам жиноят содир бўлмаган.

воқеа-ҳодисанинг ўзига хос сабаблари бўлади. Шу боис битта жиноятга мана шу нарса сабаб бўлди, деб битта сабабни ваз қилиб кўрсатиб бўлмайди. Айтайлик, ёшлар ўртасида рўй бераётган қонунбузарликларга биринчи навбатда ота-оналар, иккинчидан ўқитувчилар, учинчидан маҳалла-кўй ва қолаверса сизу биз барчамиз сабабчимиз. Бола азиз, лекин одоби ундан азиз. Шу боис, ёш болаларга қаттиққўл бўлиш, уларни мунтазам қузатув остига олиш айримлар айтганидек уларнинг эркини бўғиш эмас. Болаларга ёшлигида, нихолигида ақл ўргатилмаса, таълим-тарбия берилмаса, кейинчалик тарбиялаш қийин. Боз устига ўқиб-ўрганишни мунтазам давом эттирмаслик, замон билан ҳамнафасу ҳам қадам юрмаслик ҳам инсонларни боши берк кўчага олиб кириб қўяди. Бозор иқтисодиёти шароитида яратилаётган янги қонун ва қоидаларни ўқиб ўрганишга интилмаган кишилар икки оёғи бир этикка тегилиб қолгач, нима қилишни билмай боши қотиб қолишади. Сўнгра жиноятга қўл урадилар. Буни мен жиноятлар таҳлилидан келиб чиқиб, жиноятга қўл урган кишиларнинг ёшига қараб айтаялман. Негаки, таҳлиллар шуни кўрсатаёптики, жиноятлар ёшлар орасида эмас, балки ёши улғайганроқ кишилар орасида кўпроқ содир этилмоқда.

нишни бир четга йиғиштириб қўйиб, имкони борича пул топишга, турмуш ташвишларига ўралашиб қолишган. 40 ёшдан 50 ёшгача бўлганлар 37 та ва 50 дан ошганлар эса 12 та жиноят содир этишган.

Энди айрим жиноятлар сабабига тўхталсам, П. Шер-бобоев номли жамоа хўжалигининг Мўминобод қишлоғида яшовчи Зойир Исмамовнинг тўйида спиртли ичимлик ичиб олган Хусан Меликов шу тўйдан ичиб келган Абдуваҳоб Норбобоев билан ўзаро жанжаллашиб қолади. Хусан Абдуваҳобни дўппослаб оғир тан жароҳати етказди ва унинг ўлимига сабабчи бўлди.

Тўй яхши. Лекин унинг тартиб билан ўтиши назорат қилинмаган. Биз кўпинча меҳмоннинг кўнглини олишни унга кўп ичиришда деб биламиз. Шу ўринда меҳмон ҳам ўзини тутта билиши керак эди. Хуллас, ўлгану ўлдирилганлар озгина маърифатли бўлганида бу қадар жаҳолатга тушмаган бўлардилар. Демак, хулоса шуки, жиноятларнинг аксарияти маърифатсизликдан келиб чиқади.

Кейинги пайтда кишиларнинг ўзаро олди-берди масаласида бир-бирини алдаши кўп учрамоқда. Тавба, қарз ҳақвола масаласи қадимдан бўлган. Бирок кейинги пайтда бу ҳол ўзгача тус ола бошлади, назаримда. Яқин оғай-нилар, қариндош-уруғлар бир-бирига берган қарзини

DUSHANBA 13

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлилнома» 8.40 «Севги сурури». Мусикий дастр.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: «Ким эпчил-у, ким чаккон».

ЎзТВ IV

15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕ-НИЕСИ 16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури. 18.00 «Ерилтош». Мульттўпلام. 18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун»

30-КАНАЛ

15.05, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телехамкор», «Метеохабар», 15.30 «Эсдалик учун дастхат».

РДТ

8.00 «Ватанимга хизмат қиламан!» 8.30 «Рус лотоси». 9.10 Мультфильм.

РЖТ

8.00, 10.00, 15.00, 17.50 — Янгиликлар. 8.10 «Аралаш-қуралаш» журналидаги кувноқ воқеалар.

йил ўтган» концерт дастурининг премьерасида. 00.05 Елена Яковлева Петр Тодоровскийнинг «Чет эллик қиз-иссиқ кунлари» муаллифлик дастурида.

ТВ-6

8.50 «Кундан-кунга». 10.40, 20.25, 00.40, 02.05 — «Йул назорати». 11.20 «Бемаъни лойиҳа».

НТВ

10.00, 12.00, 14.00, 18.00, 21.00, 24.00 — «Бугун эрталаб». 10.15 Болалар сеанси. «Савдогар қизи ва сирли гул ҳақида эртақ».

АСТ

8.00, 16.00 Спорт ҳар кун. 8.30, 20.30, 23.30, 2.30, 5.30 «Факт» ахборот дастури.

REN TV

9.00, 9.30, 19.00 Мультсериаллар. 11.00 «Реноме» клуби». 11.30, 19.30 «Пляж» телесериали.

ТВ МАРКАЗ

10.00, 11.00, 17.30 Мультфильмлар. 11.15 «Россия халқлари». 11.40 «Тун одами» фантастик сериали.

TNT

10.00 «Уимзи уйи» сериали. 11.00, 13.30, 20.30 Мультфильмлар. 11.55, 17.30 Таъбирнома.

SESHANBA 14

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот». 8.30 Марказий газеталар шарҳи.

ЎзТВ II

18.05 «Кусто командасининг сувоисти саргузаштлари». Телесериал. 106-қисм. 19.00 «Давр». Ахборот дастури.

30-КАНАЛ

9.05 «Мусикий тонг». Мусикий-дам олиш дастури. 9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.

РДТ

6.30 — 9.20 «Хайрли тонг, Россия!». 7.00, 8.00, 9.00, 13.00, 17.00, 19.00, 21.00, 01.00 — «Вести».

РЖТ

6.00, 8.00 — «Хайрли тонг!». 7.40, 12.15, 21.50 — «Сайловлар-99».

гилликлар. 11.05 «Чайка-99». 11.20 «Мазаси озгингда қолади» кўрсатуви.

НТВ

8.00, 8.30, 8.45, 9.00, 9.30, 9.45, 10.00, 10.30 — «Бугун эрталаб». 10.45 Қизиқ кино.

ТВ МАРКАЗ

8.00, 9.35, 10.15 «Кайфият». Тонги телеканал. 9.30, 10.50, 11.20, 19.55, 21.55, 23.10, 0.45, 1.00 Сайловлар-99.

TNT

9.00 «Уимзи уйи» сериали. 9.55, 12.25 Таъбирнома. 10.00, 10.30, 15.30 Мультсериаллар.

17 JUMA

17

кўрсатуви. 00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

лар». Улар Германияда ўқиган эдилар.

ЎзТВ III

9.00 «Ерилошо». Мульттўлам.

18.00 Болалар учун. «Куралай».

ЎзТВ II

18.05 «Янги авлод» студияси намоийш этади. («Эркайти»).

ЎзТВ IV

15.00 Кўрсатувлар тартиби.

РЖТ 7.30-9.00

15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

30-КАНАЛ

9.05 «Мусликй тонг». Мусликйдам олиш дастури.

РЖТ

6.00, 8.00 — «Хайрли тонг!».

23.05 Агата Кристи. Пуаро. «Мьоздаги қотиллик» (Буюк Британия).

РДТ

6.30 — 9.20 «Хайрли тонг, Россия!».

ТВ-6

8.50, 15.05 — «Кундан-кунга».

НТВ

8.00, 8.30, 8.45, 9.00, 9.30, 9.45, 10.00, 10.30 — «Бугун эрталаб».

АСТ

8.00, 14.00 Мультфильмлар дастури.

REN TV

9.00, 9.30, 19.00 Мультсериаллар.

ТВ МАРКАЗ

8.00, 9.35, 10.15 «Кайфият». Тонгги телеканал.

ТНТ

9.00 «Уимзи уйи» сериали.

18 SHANBA

18

риал (АҚШ).

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.30 «Ахборот».

риал. 10б-қисм. 10.45 «Ешлар» телеканалида.

ЎзТВ III

9.00 «Тонгги пойтахт».

ЎзТВ II

9.00 «Янги авлод» студияси намоийш этади.

ЎзТВ IV

9.05 «Болалар олами».

30-КАНАЛ

9.05 «Мусликй тонг». Мусликйдам олиш дастури.

РЖТ

7.55, 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгликлар.

РДТ

8.00 Мультфильм.

ТВ-6

10.05, 01.05, 20.50 — «Йул назорати».

НТВ

10.00, 12.00, 14.00, 18.00, 21.00, 24.00 — «Бугун».

АСТ

8.00, 20.45 Спорт чегара билмайди.

REN TV

10.30 Мусликй канал.

ТВ МАРКАЗ

10.00 Болалар телеканали.

ТНТ

10.00, 17.35 «Хоним» сериали.

АЁЛ ҚАЛБИ

ГУЛДАН НОЗИК...

Саноқсиз вагонларни ортидан эргаштирганича ҳарсиллаб, пишқириб келаётган тепловознинг ойнасидан йўлни диққат билан кузатиб келаётган машинист: — Тезликни аста пасайтир, — деди шогирдига, — бироздан кейин аҳоли яшаш жойлари бўйлаб ўтамиз. Билиб бўлмайди, йўл четида болалар кўп...

У гапни тугатиб улгурмасдан рўпарада оппоқ кийимли аёл кўринди. У қўлидаги оқ ҳарир рўмоли-

ни ҳилпиратганича, гоҳ икки из оралиғида гоҳ йўл қиргоғида туриб, ишора қиларди. Машинистнинг ўзи тормозни кескин босди. Ортидаги оғир юк билан тўхташнинг ўзи бўлмайди — вагонларнинг кучи — инерция билан ортидан итарилган тепловознинг юриши бироз секинлашса-да кескин тўхташнинг иложи йўқ — суридлиб бораверди. Юк поезди маҳаллага яқинлашгани сайин бояги аёл жонсараклик билан йўл ўртасида

рўмолини силкитиб, “тўхтаган!” ишорасини қилганича, югуриб эмас гўё учиб борарди. Машинист поезд тезлигидан-да тезроқ ҳаракат қилиб, йўлни тўсмоқчидек ҳаракат қилаётган аёлнинг чиройли, катта-катта кўзлари, бугдойранг юзи-ю, қалам қошлари, тўзгиган сочларини аниқ кўриб борар ва унинг ўзи филдираклар тағида қолиб, мажжалангани мумкинлигидан даҳшатга келиб, тормоз тутқичини жон-жаҳди билан икки қўллаб ушлаб олганича “Қоч! Йўлдан қоч!” дея бақирарди, овозини аёл

эшитиш-эшитмаслигига аҳамият ҳам бермай.

Ва ниҳоят поезд... атрофдаги шовқин-сурон, гулдуррога аҳамият бермай темир излар ўртасига йиғиб олган тошчаларни ўйнаб, парвойи фалақ ўтирган 3-5 ёшли икки боладан 5-10 метрлар нарида тўхтади. Бутун хаёли тепловоз олдида югуриб бораётган аёлда бўлган машинист поезд тўхтагани ҳамано болаларни кўрди-ю, отилиб тушиб, чопганича бориб икки болани икки қўллаб даст кўтарди-да, шағалларда сирпана-сирпана энг яқиндаги дарвоза ёнига

олиб бориб, ерга қўйди ва шундагина эсига “лоп” этиб аёл тушди ва даҳшат билан филдираклар остига, кейин атрофга қаради. Аёл йўқ. Оғир филдиракларнинг тарақ-туруқ билан тўхтагани ва ҳамон тинимсиз чинқираётган поезд овозидан уйларида югуриб чиққан аҳоли зумда машинист ва болаларни ўраб олдилар. — Аёл қани? — ҳамон улар орасига олазрак кўз ташларди машинист. — Бояги, оқ кўйлакли аёл қани?

Ранги докадек оқариб, дағ-дағ титраётган машинистнинг елкаларини силаб дуо қилаётган кекса эркак ва аёл уни қўярда қўймай ҳовлига тортқилардилар.

Уч-тўрт одам баравар ҳовлига, ундан шундоққина кираверишга ёндош қурилган уйга кирдилар. Ва машинист йигитнинг нигоҳи рўпарадаги деворга илинган зарҳал ромдаги суратга тушди. Унда қош-

кўзи қора, чиройли жувон кулимсираганича қараб турарди.

— Ана шу аёл! — хитоб қилди машинист. — Ана шу аёл поездни тўхтатди. Акс ҳолда... қани унинг ўзи, бирор қор-қол бўлмадимми унга?

Ҳамма ҳайратда қотди.

— Оҳ болажоним! — кекса аёлнинг кўксидан нидо отилиб чиқди. — Болаларнинг атрофида парвона бўлганидан ўргилай, болам! Онанинг қабрига тушган болам! Мен сенчалик бўлолмадим, сени ногаҳоний ажалдан сақлаб қололмадим. Шунчалар меҳрибонмисан, ҳатто у дунёдан келиб, болаларнинг ҳаётини сақлаб қолдингми болам? Шу меҳр-муҳаббатини тирик бўлиб болаларига кўрсатса нима қиларди, худойим?!

...Аёл бир йил муқаддам вафот этган, унинг фарзандлари буви ва бобо-си қўлида қолган эдилар...

...ТОШДАН ҚАТТИҚ

Қадимда бир ёлғиз, етим қиз бор экан. Кўни-кўшнилар уни ўзига ўхшаган бир йигитга никоҳлаб берибдилар. Қўш кабутардек яшаётган икки ёш бир йилдан кейин қўчқордек ўғил кўрибдилар.

Афсуски, бола бир ёшга тўлиб-тўлмай, шодликларига кўз тегибди: соппа-соғ ишлаб юрган йигит бирдан йиқилибди-ю, жон берибди.

Аёл фарзандини бировдан кам бўлмаслиги учун одамлар уйда эртдан кечгача тиним билмай хизматкорлик қилибди. Қанча совчи чиқса ҳам турмуш қурмабди: болам ўгай отанинг қўлига қарамасин, елкаси қисилмасин, эмин-эркин ўссин дея орзу қилибди.

Бола онаси уни “ёлғизим” деб папалайверганиданми, тантиқ ва инжиқ бўлиб ўса бошлабди. У ай-тганини қилдирар, ўта эрка экан. Бола беш-олти ёшга кирганда, бир куни кўчадан “ҳолва келди!” дея қичқириб, ҳолвапаз ўта бошлабди. Ўртоқлари билан ўйнаб юрган бола югуриб уйга кириб, она, менга ҳолва олиб беринг, деб онасини ҳол-жонига қўймабди. Онаси ҳарчанд пулим йўқ деса ҳам “ҳолва ейман” деб дод солиб, ерга аганаб, йўғлайверибди.

Ноилож қолган она аста дарвозадан мўраласа, ўрта ёшли бир киши болаларга ҳолва сотаётган экан. Аёл бошига ёпинчигини ташлаб, ийманибгина ҳолвапаз ёнига бориб, салом берибди ва арзини айтиб ҳеч бўлмаса данакдек ҳолва беринг деб ўтинибди. Ҳолвачи аёлга разм солиб: — Пулингиз бўлмаса, майли, бир марта бўса беринг, хоҳлаганингизча ҳолва бераман, — депти.

Аёл хижолат бўлганидан йиғлаганича уйга кириб кетди. Боланинг фарёди бағрини тилса-да, бўса бериб, ҳолва олишга юзи чидамабди.

Бирок ҳолвапаз бу кўчага ҳар куни келиб, ҳолва келди, деб қичқириб, ҳолва сотадиган, бола эса ҳар гал “ҳолва олиб беринг” дея дод-фарёд қиладиган бўлибди. Охири боласининг ўқсиб йўғлашларига онанинг юраги дош бермабди, бир куни ноиложликдан юзига рўмол ёпиб, рўмол устидан ҳолвачига бир бўса берибди ва ҳолвачи болага тўйгунича ҳолва берибди...

Орадан йиллар ўтиб, бола улгайиб, дурадгор устага шогирд тушиб, уста билан уйма-уй юриб, бировларнинг ишини қиладиган бўлибди. Ва бир бойнинг уйида ёлланиб, уй қуриш бадалида унинг эрка-тантиқ қизини севиб қолибди. Қиз ўта ахлоқсиз экан, лекин начора, муҳаббатнинг кўзи кўр, дейдилар.

Бой ҳам аллақачон кимларнингдир кўнгил ҳушига айланган қизини тезроқ бировга узатиб, қутулиш пайида юрган экан. У йигит билан қизи дон олишаётганини сезиб, йигитни ёнига чақирибди-ю, масалани кўндаланг қўйибди. Дабдурустан бойга куёв бўлишини эшитиб, йигит роса қувонибди, “тенг-тенги билан...” дея қилган онасининг панд-насихатларига кулоқ солмабди.

Бой данғиллама тўй қилиб, қизини йигитга берибди. Лекин қизи аллақачон бузилиб бўлгани овоза бўлиб, уларга ҳеч қандай ёрдам бермай, “ўз кунларингизни ўзларингиз кўринглар” деб ташлаб қўйибди.

Йигит танноз хотинини яхши едириб-ичириш учун туну кун бировларнинг уйида ишлашга мажбур, куч-қувватдан қолган онаси ҳам баҳоли қудрат гимирлаб, қўлидан келганича қўшнилари хизматини қилиб, бир бурда нонини оқлаб еркан. Ва она ҳар гал пешиндами, олдинроқми уйга қайтганда дарвоза ичкаридан берк бўлиб, анча вақт тақиллатганидан

кейингина сочлари тўзгиган, кўзи бежо келини жаҳл билан эшик очар, бироздан кейин дарвоза тағидаги хужрада яшайдиган она ўглининг уйдан бегона эркак пусибгина чиқиб кетаётганини кўраркан. Келинининг қилиб юрган ишларини сезган қайнона унга насихат ҳам қилибди, койиб тергабди, охири “уйинг бузилмасин деб бу қилмишларингни ўғлимга билдирмайман, чунки у сени қанчалик севишини билман, ўғлимга ачинаман, лекин энди бу гапларни айтмай иложим йўқ” депти.

Келин эса уйга келган эркакларни қайнонаси сезиб, кўриб юрганидан “ўғлига айтади” деб гомонсираб, “кўрққан олдин мушт кўтарар” тарзида аллақачонданок эрига қайнонасини ёмонлаб, онангиз сизни мендан қизғонади, нуқул мени пойлаганига пойлаган, кўзига уйимизга кимлардир келиб-кетадиганга ўхшайди шекилли, нуқул менга “бегона эркак уйга келди” деб жанжал қилади. Бу ҳаммаси онангиз ёшлигида эрдан қолганидан, ҳаром қони миясига уриб кетганидан. Иккала-мизнинг яйраб, ўйнаб-қулиб юришимизга ҳасад қилганидан, дея ҳар кеча эрининг қулоғига қуяркан. Охири она:

— Бузуқдигингни ўғлимга айтаман, — деган куни йигит ишдан келса, хотини йўғлаб, тугунини туғиб ўтирганмиш. У эрининг бўйнига осилиб:

— Тўхматчи онангиздан дод! Иккимизни қандай қилиб бўлса ҳам ажратиш пайига тушган-да, мана бугун яна тўхмат қилди. Мен сизни севганимдан бой-бадавлат ота-онам, уй-жойимни ташлаб келганим, энди иложим йўқ, қанча севсам ҳам, сизсиз яшай олмасам ҳам тўхматларга тўйдим, бош олиб кетаман! — деб йўғлай бошлабди. Йигит уни юпатиб, силаб-сийпаб:

— Жонгинам, сен хафа бўлма, онам ўзи шунақа,

ўшанинг учун сени ҳам бузуққа чиқаряпти. У қанча гапирса-гапираверсин, мен онамга эмас, сенга ишонаман. Сени яна “бузуқ” деса, мен сизга ўхшаб бир парча ҳолва учун ҳолвапазга ўптириб юрганим йўқ дегин, — деб ўргатибди. Ва эртасига она уйдан чиқиб кетаётган бегона эркакни кўриб, келинини уришганда, келин кулганича ўша гапларни айтибди.

Онанинг боши айланиб, кўз олди қоронгулашганича, дармони қуриб, ерга ўтириб қолибди. Тонггача мижджа қоқмай йўғлаб, “э худо, ўзинг гувоҳсан ахир у ишни ноиложликдан, боланинг кўз ёшларига чидай олмай, болам учун қилган эдим-ку, майли, шунга кексайганимда менинг юзимга солиб таъна қилса, боламнинг жазосини ўзинг бер” дебди-ю, тонг отгач, эски рўмолига битта кўйлагини туғиб, боши оққан томонга кетди. У йўл юра-юра чўлу биёбонга чиқиб, ташналиқдан, очликдан силласи қуриганда, бир ўтовга етиб борибди. Қараса, ҳаммаёқ ивирсиган, ювуқсиз идишлар, уюм-уюм кир кийимлар айқаш-уйқаш бўлиб ётган экан. Аёл қудуқдан сув тортиб ичибди, ҳовлидаги пашша талаб ётган қозонни қиртишлаб, тоза-лаб, ўчоққа ўт қалабди ва бир четдан ўтовни супуриб-сидириб, ювуқсиз нарсаларни ювиб-тарабди. Унгача кеч кирибди.

Аёл узокда чанг кўтарилиб, ўтов томон келаётганини кўриб, яширинибди. Кўп ўтмай, ўтовга олтига отлик келиб, отдан тушибди. Улар чорвадор бой ва унинг ўғиллари экан. Ҳаммаёқ саранжом-сарништалигини кўриб, ҳайратга тушган йигитлар ва оталари “қани, ким бор, чиқар” дейишгач, аёл ёпинчиги билан юзини тўсиб, чиқиб келибди ва салом берибди. Ота-ўғиллар уни иззат-икром билан кутиб олибдилар. Ва ҳол сўраб, кимсасиз аёллигини билгач, шу ерда яшаб қолинг,

дея ўтинибдилар. Оналари вафот этган оилада қиз бола йўқ, эркаклар роса қийналган эканлар. Аёл билан хонадонларига файз-барока кирганини кўрган, аёлнинг фаришта-мисоллигини сезган йигитлар кўп ўтмай уни “она” деб атаб, оталарининг ниқоҳига киришини қайта-қайта ўтинибдилар. Охири аёл розилик бериб, ҳаммалари тинч-тотув, бой-бадавлат яшай бошлабдилар.

Энди гапни ўғил ва унинг хотинидан эшитинг.

Улар она уйдан бош олиб кетганини билиб, уни қидиришмабдиам, аксинча, хурсанд бўлишибди. Ўғил аввалгидек, тонгдан қоронгу тушгунча устачилик қилар, аёл эса эрни кузатгач, бегона эркаклар билан айш-ишратга бериларкан. Кўп ўтмай бировнинг уйини қураётган йигит томдан йиқилиб, умуртқаси узилибди ва уни замбилда уйига олиб келишибди. Уйдаги маишатни кўрган одамлар йигитни қолдиришибди-ю, аёлнинг ювуқсиз юзини кўрмайлик деб тескари қараб, чиқиб кетишибди.

Йигит ўрнидан туролмай, кечгача шифтга қараб ётаркан. Хотини уч-тўрт кун уни парваришлагандек бўлибди-ю, кейин ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, қайнонасининг ҳужрасини ўзига “қабулхона” қилиб олибди-ю, маишатни бошлабди.

Йигит алданганини, онаизорига беҳуда жаҳл қилганини сезиб, зор-зор йўғлабди. Аммо бешафқат хотини уни ювиб-тараш ўрнига ўз ҳолига ташлаб қўйибди ва охири бир ҳовлида туриш ҳам малол келиб, масжидга чиқариб ташлабди. Йигит масжидга келган-кетганининг хайр-садақасини еб ётар ва дард жонидан ўтганда “онажон, кечиринг” деб фиғон чечкаркан. Маҳалла аҳли йигитнинг ҳолига ачиниби, бамаслаҳат икки кишини унинг онасини қидириб топиш ва қайтариб олиб келиш учун юборибдилар.

Икковлон юра-юра бой-бадавлат яшаётган онани топиб, бўлган воқеани айтишибди ва ўглининг ёнига қайтишини, жилла курси, уни кечиршини сўрашибди. Лекин дили қаттиқ оғриган она ўғли ёнига қайтишни ҳам, уни кечиршни ҳам хоҳламабди. Ноумид бўлган икковлон ортларига қайтибдилар.

Йигит азоб торта-торта вафот этибди. Одамлар яна онанинг ёнига боришибди — у ўглини кечирмабди. Ўғилни етти ёт бегоналар ювиб-тараб кўмибдилар. Кечаси қабристонга қўшни яшовчи аҳоли ажиб манзаранинг гувоҳи бўлибдилар: ўғилнинг қабридан гуркираган олов кўкка ўрлар, унинг “онажон, кечиринг!” дея қилган нолаасидан эса тун бўйи ҳеч ким ухлай олмабди. Бу манзара ҳар куни такрорланаверибди. Охири безор бўлган одамлар яна онага элчи юборибдилар. Улар онага бўлаётган воқеани айтиб, боласини кечирини сўрабдилар. Унинг эри ва ўғиллари ҳам “биз учун ўғлингизни кечиринг” деб ялинибдилар. Ва она йўлга отланибди. Беш ўғил кўркам бир туяга тахтиравон ўрнатиб, оналарини кузатиб борибдилар.

Она кун ботганда қабристонга етиб борибди. Сал ўтмай ўглининг қабри гулхандек ёниб, ундан чиққан фарзандининг ноласи еру кўкни титрата бошлабди. Она аста ўглининг қабри ёнига борибди ва оппоқ кўкрагини чиқариб, оловга қарата соғибди ва “Аллоҳим, ўғлимни кечирдим, сен ҳам кечир” дея нидо қилибди. Онанинг кўкрагидан тизиллаб отилган оппоқ сўтдан гувиллаб ёнаётган олов таққа ўчиб, ўглининг фарёди ҳам тинибди. Шу заҳоти қишлоқ томондан ярим яланғоч аёлнинг телбанамо фарёди эшитилибди. Бу ўша, она-боланинг орасига ниқоқ солган келин бўлиб, Аллоҳ уни айбига яраша жазолаган, ақлдан оздирган экан...

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ХАСТА КЎНГИЛЛАР МЕХР-МУРУВВАТ ИСТАР

Бухоро вилояти ИИБда халқаро ногиронлар куни муносабати билан қатор хайрли тадбирлар амалга оширилди. Бошқармада, унинг жойлардаги идораларида шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари, фахрийлар кенгаши аъзоларидан иборат гуруҳлар тузилди. Улар ички ишлар идораларида хизмат қилиш чоғида ногиронлик орттирганларнинг, соғлиги ёмонлашган, касалхоналарда даволанаётган фахрийларнинг холидан хабар олишди.

Шунингдек, моддий кўмакка муҳтож ногиронлар ва фахрийларга ёрдам кўрсатиш учун бошқарма раҳбарияти 100.000 сўм пул ажратди. Бундан ташқари боқувчисини йўқотган ногирон ва фахрийларнинг оилаларига ун, гуруч, ёғ каби озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси пойтахтимизда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашни кучайтириш мақсадида шу йил апрель ойида махсус қарор ва концепция қабул қилди. Унга асосан жумладан, шаҳарнинг "Отчопар" буюм бозори худудида фаолият кўрсатувчи ички ишлар бўлинмаларининг иши тубдан қайта

Урдаевнинг ичида 65 минг сўм пули бўлган сумкасини юлиб олиб қочиб кетаётган пайтида андижонлик Б. исмли йигит ушланди. Бўйни ҳалол меҳнатга ёр бермаган бу кимса энди қилмишига яраша қонун олдида жавоб беради.

19 ноябрь куни Т. исмли йигитча М. Умаровнинг ишончига кириб, арзон нархда мол олиб беришга

Бошқарманинг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бирон ногирон ёки ёрдамга муҳтож фахрий эътиборсиз қолмаслиги учун уларнинг рўйхатини тузиб чиқди. Тадбирнинг тарбиявий аҳамиятини ҳам раҳбарият назардан қочирмади. Вилоят телевидениесида шу мавзуда кўрсатувлар ташкил қилинди.

Албатта, бу каби тадбирлар мавсумий, вақтинчалик бўлиши керак эмас. Хаста кўнгиллар меҳр-мурувватга, ширин сўзга доимо илҳақ. Буни бошқармамиз раҳбарлари, ходимлари яхши билишади.

Х. БОЛТАЕВ,
Бухоро вилояти ИИБ матбуот гуруҳи ходими,
милиция подполковниги.

ТУБ ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ

ташкил қилинди. Шу йил октябрь ойида Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғини буйруғига асосан Чилонзор туман ИИБ бошлиғининг бу бўлинмаларни тезкор, самарали бошқариш билан шуғулланувчи ўринбосари лавозими жорий этилди. Бошқарма таркибида патруль-пост хизмати ташкил қилинди. Шахсий таркибнинг хизмат шароитига, махсус техник воситалар билан таъминланишига шаҳар ИИББ раҳбарияти алоҳида эътибор берди.

Бу худуднинг ҳар куни одам билан гавжум бўлиши, қолаверса бу ерда катта моддий бойликлар, пул айланиши, атрофида транспорт тизимлиги ҳисобга олиниб, профилактика инспекторлари, йўл-патруль хизмати гуруҳлари тузилди. Уларга жиноят-қидирув, тергов, тозаланик назорат қилиш ва ёнғиннинг олдини олиш гуруҳлари ёрдам кўрсатади. Туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, ягона мақсадга йўналтиради.

Бу туб ўзгаришлар тезда ўз самарасини берди. Ўтган йилнинг шу даврига қиёсласак, жиноятларнинг умумий сони 265 тага камайди. Маълумки, бозор-ўчар бўладиган жойда кўпинча ўғрилик жинояти содир этилади. Жиноятнинг бу тури ҳам бултургидан икки баробарга, яъни 162 тага камайди. Бу кўрсаткичларга ҳуқуқбузарликларнинг тез очилаётгани ҳам омил бўлаяпти. Газетхонларимизни қуруқ рақамлар билан зериктирмай, бир-икита жонли мисол келтирай.

27 ноябрь куни фуқаро Н.

ваъда бериб, унинг 90 минг сўм пулини қуртдай санаб олган. М. Умаров тезда чув тушганини пайқанган, лекин учарнинг изини ҳам тополмагач, бизга мурожаат қилган. Ходимларимизнинг саъй-ҳаракати туфайли фирибгар 22 ноябрда қўлга олинди. Унинг талончилик орқасидан топган пулига олган моллари ашёвий далил сифатида мусодара қилинди.

20 октябрда номаълум шахс бозор худудида фуқаро З. Гейндан очикдан очик талончилик йўли билан 1500 АҚШ долларини ва 8 минг сўм пулини олиб қўйган. Суриштирув-қидирув ҳаракатлари натижасида гумон қилинаётган шахс 28 ноябрда қўлга олинди.

Бунақа фактларни қўллаб келтириш мумкин. Бултурги кўрсаткичлар билан солиштирадиган бўлсак, жорий йилда жиноятларни очиш 8 фоизга яхшиланиб, 80,4 фоизни ташкил этапти. Албатта, бу жиноятларнинг камайишига таъсир этмай қолмайди-да. Агар қонунбузарларнинг анча-мунчаси бошқа вилоятлардан келиши, қилғилиқни қилиб яна ўз жойига кетиб қолиши мумкинлигини ҳисобга оладиган бўлсак, биздан ўта тезкорлик талаб қилиниши ўз-ўзидан ойдин бўлади.

Яқинда қўрилган чоратадбирлар натижасида бозор худудида Ўзбекистоннинг конституцион тузумига қарши қаратилган диний-экстремистик руҳдаги варақа ва китобларни тарқатувчи гуруҳ катта миқдордаги далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Фаолиятимизнинг самарали бўлишида бозор маъмурияти ҳам яқиндан ёрдам берапти. Биномизни зарур мебеллар, алоқа воситалари, сув, электр энергияси билан таъминлашдан ташқари, ходимларимизнинг сонини кўпайтириш учун ҳам кўшимча 8 миллион сўм ажратилди. Бу патруллар, постлар сонини кўпайтириш имкони туғилди дегани. Бундан

ташқари, бизда ҳар душанба куни бозор ходимлари билан қўшма йиғин ўтказиш анъана тусига кирган. Йиғинда ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари келишиб олинади, йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилинади.

Шу ўринда назоратчилар, бошқа бозор ходимлари сотувчилар, харидорлар орасида ҳуқуқ-тартибот борасида тушунтириш ишлари олиб боришда, бозордаги вазиятни библишда бизга яқиндан ёрдам бераётганларини алоҳида таъкидлашни истардим. "Отчопар буюм бозори" ОТАЖ директори Абдушукур ака Расулов собиқ милиция ходими. У киши бизнинг фаолиятимиз хусусиятларини, эҳтиёжларимизни яхши биладилар, керак бўлса баъзи ходимларимиз йўл қўйган камчиликларни ҳам кўрсатиб турадилар.

Кўпчилик билан ишлаган милиция ходими ҳаммаша халқнинг кўз олдида бўлади. Ходимларимиздан қонунчиларни, тегишли буйруқ ва қарорларни, катта-кичик билан муомалани яхши билиш, ўта ҳалоллик талаб этилади. Октябр ойида аттестация ўтказиб, юқоридаги талабларга жавоб бермаган 17 ходим бошқа ишга ўтказилди.

Сотувчилар билан тез-тез учрашиб, уларнинг ходимларимиз ҳақида фикр-мулоҳазаларини эшитамиз, ўзимиз ҳам керакли маслаҳатлар берамиз. Яшириб нима қилдим, баъзан харидорлар, сотувчилар бепарволиги, омонатининг эҳтиётини қилмаслиги оқибатида ҳам жабр че-

кадилар. Тасаввур қилинг, бир отахон тўйга кўп нарса олишни ният қилиб, белбоғига топганини туғиб бозорга келади. У икки-уч минг сўмлик мол харид қилаётганда ҳам борини олдида дастурхон қилиб ёзиб пул санайди. Ёки баъзан шундай ҳам бўладики, озорқ пулини олдирган киши ўғри ёки киссаверни таниб қолган бўлса ҳам, ўша атрофда юрган милиция ходимига айтмайди. Натижада жиноятчи бамайлихотир кейинги жиноятга қўл уради. Гоҳо фуқароларимизнинг ўзларида ҳам муомала маданияти етишмайди, арзимас нарсдан орада даҳанаки жанжал чиқиб, муштлашишга айланиб кетиши мумкин. Фуқароларимиз билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида расталар орасига телефонлар ўрнатиш ниятидамиз.

Ходимларимизнинг ўз йўналишларидан сабабсиз четга чиқмасликларини, фуқаролар илтимосларига ҳозиржавоблигини доимо назорат қилиб борамиз. Газетхонлар билиб қўйишсин, ходимларимизнинг устидан арз-шикоят қилиб келишадиган бўлишса, уларга эшигимиз доимо очик. Яна бир нарса, бошқа милиция ходимлари ўз мансабларини суистеъмол қилишларига йўл қўймаслик мақсадида уларнинг(бошлиқларимиздан ташқари) бозор худудида хизмат кийимда кириши, хизмат масалаларига аралашини тақиқланган. Фуқароларимиз билиши учун айтиб қўяй: бизнинг ходимларимиз тақиб юрадиган белгига "Отчопар" деб ёзиб қўйилган.

Маълумки, ҳозир "Отчопар" буюм бозорида савдо қилувчи ҳар бир жисмоний шахс белгиланган миқдорда солиқ тўлайди. Барча тўловларнинг ўз вақтида тўланишини ҳам ходимларимиз назорат қилишади. Бозорга кириш ҳақи ва бошқа тўловларни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун ундирилаётган жарималарни айтиб ўтирмай. Демокчиманки, ҳуқуқ-тартибот муҳофазаси билан бир қаторда мамлакатимиз, шаҳримиз газналарининг бойишига ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаятганимиздан мамнумимиз.

Аъло УМАРОВ,
Чилонзор тумани ИИБ
бошлиғи ўринбосари,
милиция подполковниги.

Дил тубидан

ФАЙРАТ-ШИЖОАТ КЎРСАТАЙЛИК!

Президентимиз Ислам Каримов биз ёшларга мустақил Ўзбекистоннинг келажаги, дея юқори баҳо бермоқдалар. Шундай экан, юртбошимизнинг бу сўзларини амалда исботлаш, ишончларини қозонишимиз зарур. Ҳозирда Америка Қўшма Штатлари, Германия, Буюк Британия каби хорижий мамлакатларда таълим олиб қайтаётган ёшларнинг билими, илғор фикрларига кўпчилик қатори менинг ҳам ҳавасим келади.

Юртимизда катта ўзгаришлар рўй бераётган бир пайтда айрим тенгдошларимиз ўғирлик қилаётгани, ичкилик ва гиёҳвандликка берилиб кетаётгани мени ташвишга соляпти. Бу иллатлар орасида, айниқса, гиёҳвандлик хавфлидир. Чунки унинг домига тушиб қолган ҳар қандай киши аввало соғлиғидан ажралади, қолаверса маънан қашшоқлаша бошлади. Шу боис бизда гиёҳвандлик модалари истеъмол қилиш қатъий тақиқлаб қўйилган.

Маълумотларга қараганда дунё бўйича гиёҳвандлик модалари истеъмол қилаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этар экан. Халқимизда бир болага етти қўшини ота-она, деган нақл бор. Истагим, ота-оналар, маҳалла-кўй, участка вакиллари бир бўлиб, ўспиринлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтиришса, уларнинг пана жойларга тўпланиб олиб, наша чекишларига йўл қўйилмаса. Ёшлар бўш вақтларини кўча-кўйда, дискотекаларда бекор ўтказиш ўрнига илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш, спорт билан шуғулланишга бағишласалар саз бўларди. Мустақил Ўзбекистон янада гуллаб-яшнаши учун ёшлик ғайратимиз ва шижоатимизни аямайлик, азиз тенгдошлар.

Элмурод ИМОМХЎЖАЕВ,

Тошкент туманидаги 15-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

ВАЗИФАМИЗНИ ЯХШИ АНГЛАЙМИЗ

Ҳар бир жойда бошлиққа кўп нарса боғлиқ бўлади. Билим юртимиз бошлиғи генерал-майор Ш. Ниёзов тез-тез шахсан ўзлари курсантлар ошхонасига кириб, овқат сифати билан қизиқадилар. Бошлиқнинг таъминот бўйича ўринбосари милиция полковниги И. Позилхоновнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қиш мавсумига етарли сабзавот-полиз маҳсулотлари гамладик. Эндиги вазифамиз устаси бўлган мутахассис йигитлар. Маҳаллий шароитни, миллий хусусиятларни ҳисобга олиб, улар европача таомлар билан бир қаторда мошхўрда, мошкичири, димлама, шўрва, палов каби бири-бирдан лаззатли овқатлар ҳам тайёрлаб туришади.

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин деганларидек, нафақат ошпазларимиз, уларнинг ёрдамчилари ҳам касбининг устаси бўлган мутахассис йигитлар. Маҳаллий шароитни, миллий хусусиятларни ҳисобга олиб, улар европача таомлар билан бир қаторда мошхўрда, мошкичири, димлама, шўрва, палов каби бири-бирдан лаззатли овқатлар ҳам тайёрлаб туришади.

Курсантлар дастурхонини янада тўкин-сочин қилишда ёрдамчи хўжалигимизнинг ҳам бор имкониятларидан фойдаланяпмиз. Ҳар нонуштада улар янги соғилган сут ичишади, бутун қиш дармондориларга бой кўкатлардан баҳраманд бўлишади.

Озиқ-овқат хизмати бошлиғи капитан Р. Аҳмадқулов ишни ташкил этишга алоҳида эътибор беради. Ҳар куни бош ошпаз, ошхона бошлиғига берадиган йўл-йўриқлардан ташқари, шахсан ўзи ҳар душанбада барча ходимлар билан ҳафта якунларини кўриб чиқади. Бунда биринчи галда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари белгиланади. Шу ўринда ҳар доим тановул пай-

ти озиқ-овқат хизматининг бир масъул ходими ошхонада ҳозир бўлишини алоҳида таъкидлардим. Курсантлар, бўлинмаларнинг масъул офицерлари бирор арз-шикоят бўлса, унга айтишлари мумкин бўлади.

Билим юртимизда кийим-бош хизматининг фаолияти ҳам кўнгилдагидек. Баъзилар бу хизматнинг иши кийим-кечак билан таъминлашдангина иборат деб ўйлашади. Бу хато. Кийим-кечакнинг тўғри, рисолага мувофиқ кийилишини, сақланишини, уларнинг бутлигини назорат қилиш ҳам бу хизмат ходимлари зиммасида. Уст-бош сошлаш устахонаси ҳам курсантларимиз хизматида. Бўлинмалардаги пойабзал усталарини, сартарошларни ҳам керакли асбоб-ускуналар, материаллар билан етарлича таъминлаганмиз.

Маълумки, старшиналар доимо курсантларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиши керак. Шунинг учун улар билан ўз вақтида йўл-йўриқ машғулотлари ўтказилади. Машғулотларни хизмат бошлиғи подполковник А. Ибрагимов шахсан ўзи ўтади. У ўз тажрибасини ходимларга ўргатишдан эринмайди.

Биз, таъминот соҳаси ходимлари хизматимизнинг аҳамиятини яхши тушунамиз. Муддаомиз – курсантларимиз давлатимизнинг уларга гам-хўрлигини ҳар қадамда ҳис қилишини, диққатлари маиший, моддий ташвишларга чалғимай мустаҳкам билим олишини, етарли жанговар тайёргарликка эга етук офицер, элимиз осийшталлигининг муносиб посбонлари бўлиб етишишини.

Руслан МИРЗАЛИЕВ,
ИИБ Тошкент ОХТБЮ
бўлим бошлиғи, майор.

Одатда содир этилган жиноятни уни тиклаш орқали фош этишда тергов амалиётида тергов тадқиқотида фойдаланилади. Ушбу жараён исбот даражасига этиши учун тажрибалар имкони борича текширилатган воқеа рўй берган шароитда ўтказилиши зарур.

...Шаҳар ташқарисига қатновчи поезд остига тушиб қолган кимса шу жойнинг ўзида вафот этди. Машинистни жиний жавобгарликка тортиш масаласи кўндаланг турарди. Сўроқ пайтида у ўзини айбдор деб тан олмади ва эксплуатация қоидаси бўйича тормоз йўли 200 метрни ташкил этиши кераклиги, аммо шу куни қаттиқ бўрон бўлаётгани ҳамда жабранувчини тахминан 100 метрлар чамаси масофа қолганда кўриб қолгани туфайли поездни тўхтатиш чораларини кўрса-да, кечикканини тушунтирди. Унинг ёрдамчиси ҳам шунга ўхшаш гаплар билан чекланди.

Машинист ва унинг ёрдамчиси берган кўрсатма тўғрилигини аниқлаш мақсадида тергов тадқиқоти ўтказилди. Бунинг учун ўша йўналишда ва худди шундай об-ҳаво шароитида бошқа бригада бошқарувидаги худди ўша поезд манзилга жўнатилди. Электровозда шунингдек, гумондор, гувоҳлар ва терговчи бор эди. Поезд ўша тезликда борарди.

Тадқиқотга тайёргарлик кўрилатганда тажриба ўтказиш учун одам ўрнига кўғирчоқ қўйилиши маълум эди. Бироқ тадқиқот иштирокчиларини бу ҳақда огоҳлантириш керакми, йўқми деган савол қийнади. Огоҳлантириш — уларни қайсидир даража-

да поездни фавқулодда тўхтатиб қолишга ундаш эди. Одамни босиб кетган машинист эса олдинда фалокат кутаётганини умуман билмаган. Огоҳлантирмаслик эса кўғирчоқни одам деб босиб кетган бригада аъзоларини оғир аҳволга солиб қўйиш эди.

Хуллас, бригадага

йўлнинг қайсидир қисмида кўғирчоқ этиши айтилди, аммо аниқ жойи кўрсатилмади. Бригада аъзолари йўлда ҳушёр бўлиши, рўй бериши мумкин бўлган ҳодисаларга доим тайёр туриши зарурлиги инobatга олиниб, шундай хулосага келинди.

Маълум масофа босиб ўтилган, машинист йўлда кўғирчоқ этганини кўриб қолди, лекин поездни тўхтатишга улгурмади. Тормоз босилган жойдан кўғирчоқча бўлган оралик масофа ўлчанганда у одам босиб кетилган вазиятга тўғри келаётгани аниқланди. Тадқиқот натижалари ишонарли эди.

... Темир йўл бекатларидан бирида темир йўл дўкони қоровулига хужум уюштирилгани маълум бўлди. Тергов давомида аниқланган гувоҳ воқеа содир бўлган жойдан тахминан 150 метр олисда, темир йўл изида турган вагонча деразасидан босқинчиларни кўрганини айтди. Жиноят эса ойдинсиз тунда, ҳаво тунд бўлган пайтда, тахминан соат 3.00да содир бўлган. Воқеа рўй берган жойга темир йўл ёриткичидан озгина ёруғлик тушиб турар, бироқ

босқинчилар ва жабранувчи қоронғи жойда бўлгандилар. Гувоҳ жиноятчиларнинг юзини аниқ кўрмаган бўлса-да, уларнинг кўланкасидан воқеани кузатиб турганини баён этди.

Ягона гувоҳнинг кўрсатмаси муҳим аҳамиятга эга эди. Шу боис тергов тад-

24.00 лар атрофида почтага хат ташлаб келиш учун ташқарига чиқди. Худди шу пайтда зинадан тушиб келаётган кўшниси Б. унинг паришонхотирлигидан фойдаланиб, очиқ қолдирилган уйига кирди ва йўлакдаги илгичга осиб қўйилган пальтони ўғирлади. Уни ошхонасига олиб

Амалиёт

ўтган суд жараёнида ўтказилган тадқиқотда гайритабиий гувоҳ иштирок этди. Ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи дўконнинг сотувчиларидан бири уй жониворларига мўлжалланган уч банка консервани ўғирлашда айбланди. Суд-

эшиги орқали киришган. Эшиклар эса металл ўзакли илгич билан беркитилган. Б. ўғирлик содир этилган пайтда уйда, тамадхона биносидан шундоққина қўшни девор ортидаги хоналардан бирида бўлганини билдирди.

Милиция ходимлари металл ўзак қўл арра билан араланганини кўришди. Ходимнинг аризасида кўрсатилишича талончилар хонага омондорона орқали ўтувчи деразадан киришган. Дераза олдида эса яшчиқлар ва бошқа нарсалар тахлаб қўйилганди. Ажабланарли томони, уларнинг жойлашиш тартиби ўзгармаганди.

Воқеа жойини кўздан кечирган терговчида жиноят атайлаб уюштирилган, деган шубҳа пайдо бўлди. Мазкур тахминни текшириб кўриш учун иккита тергов тадқиқоти ўтказилди. Шовқинни аниқлаш бўйича ташкил этилган тадқиқот қўл арранинг овдизи мудирнинг хонасида аниқ эшитилиб туришини кўрсатди. Навбатдаги тадқиқотда эса тамадхонага омондорона орқали фақат ёш бола кириши мумкинлиги ва бунда дераза олдида турган яшчиқлар, албатта, ағдарилиб кетиши кераклиги ойдинлашди. Бу шовқинни ҳам мудир ўз хонасида бемалол эшитиши керак эди. Тадқиқотлар ўғирликни Б.нинг ўзи уюштирганини аниқлаб берди.

Тергов тадқиқоти шунингдек, берилатган кўрсатмаларнинг тўғрилигини тасдиқлашда ҳам асқотади.

Русчадан
Саъдулла ШОДИЕВ
ўғирди.

ТЕРГОВ ТАДҚИҚОТИ НИМА УЧУН КЕРАК?

киқоти ўтказилди. Бунинг учун худди ўша тундаги об-ҳаво шароити танлаб олиниб, ёриткич ёқиб қўйилди. Терговчи икки кишини воқеа бўлиб ўтган жойга жойлаштириди-да, гувоҳдан уларнинг хатти-ҳаракатини таърифлаб беришни илтимос қилди. Бироқ на гувоҳ, на у билан бирга воқеани кузатаётган кишилар бирор нарсани аниқлай олмадилар.

Терговчи тадқиқот бўйича хулоса чиқараётганда хужум уюштирилган пайтда узоқ вақт ёмғир ёрмаганлиги, тадқиқот арафасида эса ёмғир куйиб, ер нам ва қорайиб турганлигига эътиборни қаратди. Шундан сўнг тадқиқот қуруқ ҳавода қайта ўтказилганда мутлақо қарама-қарши натижани берди. Ёруғ ва қуруқ ер сатҳида одамларнинг кўланкалари ва хатти-ҳаракатлари аниқ-равшан кўриниб турарди.

Тадқиқот давомида барча талаблар шу тарзда тўлатқис бажарилгандагина у ишонарли чиқади.

... Фуқаро Р. тунги соат

кириб беркитиб қўйди. Шундан сўнг Б. яна ўғирликка кирди. Бу гал дарпардани кўтариб, бошқа бир пальтони ўмармоқчи бўлганда Р. келиб қолди.

Дастлабки тергов пайтида Б. ўғирлик қилганини тан олмади ва уйга тасодифан кириб қолганини айтди. У Р. билан юзлаштирилганда: "Кўшним Р. менга тухмат қилаяпти. Зинада туриб қоронғуликнинг қайси жойида турганим ва нима қилаётганимни қандай кўриши мумкин", деб даво қилди.

Р.нинг кўрсатмасини текшириб кўриш мақсадида тергов тадқиқоти ўтказилди. Электр лампочкаси билан ёритилган зинанинг у турган қисмига гувоҳлар қўйилди, Б. эса йўлакка, илгич олдида бориб турди. Шунда йўлакка тушаётган ёруғликда Б.нинг хатти-ҳаракатларини бемалол кузатиш мумкинлиги маълум бўлди. Тадқиқот шу даражада ишонарли чиқдики, Б. ўғирлик қилганини тан олди.

Фарбий Германиянинг Бейлингек шаҳрида бўлиб

да айбланувчи дўконга келганида ҳақиқатан ҳам сумкасида уч банка консерва бўлгани, аммо уларни яқинда шу дўкондан сотиб олганини билдирди. Бу ерга эса мушуги емаганлиги сабабли қайтариб бериш мақсадида олиб келганини айтди.

Гувоҳлар бўлмагани учун судья мажлислар залига... мушукни чақирди. Мушук келтирилган, унинг олдида очилган консерва қўйилди. Шунда жонивор таомни ҳидлаб, бошини сарак-сарак қилганча ортга чекинди.

Судья мушукнинг бу ҳолати эгасининг кўрсатмасига тўлиқ мос келаётганини таъкидлади ва беғуноҳ аёлни оқлаб юборди.

Тергов тадқиқоти жиноятчиларнинг турли найрангларино фош этишда ҳам қўл келмоқда.

Тамадхона ходими Б. ички ишлар идорасига келиб кимдир пул, вино ва озиқ-овқатларни ўғирлаб кетганини айтди. Унинг гапига қараганда жиноятчилар хонага деразанинг

Мени яқинда Сирдарё тумани ички ишлар бўлимига шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бўйича бошлиқ ўринбосари вазифасига тайинлашди. Тўғриси, мен бу ишончни кутмаган эдим. Чунки бу вазифага асосан кўп йиллар ички ишлар идораларида ишлаб тажриба ортирганларни тайинлашарди. Сирдарё тумани милицияси вилоятдагина эмас, республикада ўзининг тажрибали изкуварлари билан танилган. Аҳоли жиҳатдан вилоятда олдинги ўринда турадиган туманда саноат, қишлоқ хўжалиги нисбатан анча ривожланган. Бу ҳудудда ишлаш оғирроқ. Милиция ходимидан билим ва маҳорат талаб этади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш сари ҳаракат боряпти. Бунда фақат фуқароларнинг эмас, ички ишлар ходимларининг ҳам ҳуқуқий билимини ошириш ва мустаҳкамлаш зарур бўлади. Мен ўз фаолиятимда вилоят ички ишлар бошқармасида бирга ишлаган, иш тажрибаларини баҳам кўрган устозларим Т. Аллаёров, Ў. Болтабоев, А. Ҳожиевларнинг йўл-йўриқларидан фойдаланяпман. Ҳозирги кунда асосий эътиборни ходимларни касбий тайёргарлигини ошириш, жисмоний ва жанговар жиҳатдан чиниқтиришга қаратганмиз. Бунинг учун

спорт ишларини йўлга қўйиб, ҳар бир ходимнинг қайсидир бир спорт тури билан шуғулланишига эришяпмиз.

Жанговар тайёргарлик милиция ходими учун энг зарур талаб. Ойлик, йиллик режаларда белгиланган назарий ва амалий машқларни ўз вақтида, мунтазам ўтказилишига эришяпмиз. Тергов бўлими ходими, мили-

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАДИ

ция лейтенанти Шоҳруҳ Латипов жанговар тайёргарлик бўйича республика ИИБ мусобақасида иштирок этиб совринли ўринни эгаллаб қайтди.

Дастлаб иш бошлаган кунимок юқори ташкилотлардан келган буйруқ, кўрсатма, фармойишларни бажарилишини назоратга олдим, бажарилмай қолганларини амалга оширишни таъминлашини бошладим. Чунки, ҳар бир буйруқ, кўрсатма қоғозда қолиб кетмаслиги керак.

Кейинги пайтда ички ишлар идораларининг ходимларидан хизматга бўлган талаб анча кучайди. Сафларда фақат муносиб-

лар, эл-юрт осойишталиги, тинчлиги учун астойдил хизмат қиладиган фидойилар бўлиши керак. Бунинг учун эса уларни вақти-вақти билан шаҳодатдан ўтказиб туриш жоиз. Айни кунларда биз оддий сафдорларни шаҳодатдан ўтказяпмиз. Тўғриси айтиш керак, уларнинг ҳуқуқий билимларини талаб даражасида деб бўлмайди. Шунинг

учун уларга фақат маърифат дарсидаги ҳуқуқий билимлардан сабоқ бериш кифоя эмас. Ҳар бир ходим мустақил равишда мамлакатимиздаги амалда бўлган қонун ва қоидаларни ўрганиб бориши шарт. Шунинг ҳисобга олиб, биз вилоят ИИБ раҳбарияти билан келишган ҳолда ёш милиция ходимлари ўртасида ҳуқуқий сабоқлар ташкил этишни режалаштирмақчимиз. Бунда, ҳуқуқшунос олим ва етакчи юрист мутахассислар маъруза қиладилар, дарс олиб борадилар.

Албатта, ходимдан намунали хизматни талаб этиш учун унга керакли шароитларни яратиб

бериш керак. Биринчи галда уларнинг оилавий аҳволи ва шароитини ўрганиб, зарур бўлса моддий ёрдам бериш керак. Моддий жиҳатдан кам таъминланган оилаларни ун, гуруч, ёғ билан таъминлаш чораларини кўряпмиз.

Мураббийлик ҳаракатининг самараси кўпчиликка маълум. Ҳеч ким мутахассис бўлиб туғилмайди ёки олий маълумот олиб мутахассис бўлиб келганлар ҳам амалий ишни эплаб кетавермайди. Шу боис ҳам ёшларни тажрибали, милиция хизматида пишган ходимларга биркитиб қўйганмиз. Шунингдек, кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, ҳозирда қариллик нафақасида бўлган кексалар билан учрашувлар тез-тез уюштиряпми.

Кишига бўлган ишонч, унинг хизматга, вазифасига бўлган масъулиятини оширади. Масъулиятни чуқур ҳис этиш эса садоқатлилик белгисидир. Раҳбарият менга ишонч билдирган экан. Бу мен учун шараф, уни оқлаш эса бурчимдир. Аввало устозларга, раҳбариятга ва жамоага суянган ҳолда ишлашга ҳаракат қиляпман.

Алишер УСМОНОВ,
Сирдарё туман ИИБ
бошлиги ўринбосари,
милиция катта лейтенанти.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Қарши шаҳар ИИБ томонидан 1956 йилда Косон туманида туғилган, миллати ўзбек, оилали, уч нафар фарзанди бор, илгари икки марта судланган, Қарши шаҳар 4 кичик тумани, 19-уй, 64-хонадонда яшаган **Фофур Аҳмедов** қидирилмоқда. У 1998 йил 20 июль кунини Тошкент Давлат тиббиёт институтини клиникасида даволаниб чиқиб, Қарши шаҳрига кетаман, деганча қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 172-175 см, тўладан келган, сочи, кўзи ва қошлари қора, пешонасида сочи йўқ, бурни тўғри, қулоқлари ўртача катталиқда, тишлари бутун, ўнг курагида холи бор, лаблари ўртача қалинликда. Мавсумий кийинган.



Шунингдек, 1983 йилда Қарши шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Қарши шаҳри, 8-кичик тумани, 1-уй, 1-хонадонда яшаган **Анвар Хўжанов** қидирилмоқда. У 1999 йил 6 май кунини уйдан номаълум томонга чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 155-160 см, малладан келган, сочи сарғиш, бурни тўғри, лаблари ўртача қалинликда, юзи юмалоқ, кўринишидан европа миллатига мансуб, алоҳида белгилари йўқ, Мавсумий кийинган.

Юқорида номлари зикр этилган фуқароларни кўрган-билганлар яқин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар беришларини сўраймиз.

Бу турфа олам

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...



Челябинскда "фаолият" кўрсатувчи хонадон ўғриси қандай қилиб қўлга тушганини билмай қолди. У эшик қўнғироғи тугмасини бир неча марта босиб, бироз кулоқ солиб турди - ичкаридан овоз бўлмади. Сўнгра астойдил эшик қулфини буза бошлади...

Етти ёшли Настяга онаси эшикни очмаслик, қўнғироқ жирингласа жавоб бермасликни тайинлаганди. Настя шундай қилди - эшикни очмади ва овоз чиқармади. Кимдир қулфни кавлаштира бошлаганда дарров воқеа ҳақида онасига қўнғироқ қилдию, ўзи каравот тагига беркинди.

Уйда ҳеч ким йўқлигига ишонган ўғри хонага кириб, энди "иш" бошлаган эдики, етиб келган милиция ходимлари уни қўлга олдилар. Уй бекаси кириб келган заҳоти каравот остидан Настя чиқиб, онасининг бағрига ташланди.

ТИЛАНЧИ БУРГУТ




Одатда қушларнинг шоҳи бўлмиш бургут мардлик ва мағрурлик тимсоли сифатида тилга олинади. Бироқ Бугульмадаги заводлардан бирининг ишчиси топиб, уйига олиб келган ярадор бургут ўз номига иснод келтирди.

Ишчи бир хонали уйи баҳайбат бургут учун торлик қилаётганини кўриб, уни ишхонасига олиб борди. Бургутни тузалиши ва оёққа туриши учун бутун жамоа жон куйдирди. У тузалгач, эркинликка қўйиб юбордилар. Бироқ бургут завод тепасида бир айланди-ю, паспорт цехига қайтиб келди. У ўзининг подшоҳ, мағрур қуш эканлигини унутиб, уятсизларча тиланчилик қилмоқда: узун-узун қанотлари, ўткир тирноқлари қорамойга ботган бургут ҳайдовчиларнинг оқатига бемалол шерик бўлмоқда.

ЭШИК ҚОЛИБ... ТУЙНУКДАН

Санкт-Петербургда уй сотиб олмоқчи бўлган Франция фуқароси Гутерман Онри Алекса бу томонларда жиноят анча кучлилигини айтиб, эҳтиёт бўлишни таъкидладилар. Бироқ "Амер" ассоциациясининг президенти Литейний проспектидаги 46-уйнинг биринчи қаватидан хонадон сотиб олди. Эҳтиёткорлик мақсадида кираверишга мустаҳкам темир эшик ўрнатди. Ва узоқ вақт хизмат сафарига бўлиб қайтган тижоратчи эшикнинг мустаҳкамлигидан хурсанд бўлди: ўғрилар уни очишга уринишган, лекин очиша олмаганди.



Девордаги каттагина туйнукни кўриб эса ҳайратдан озги очилиб қолди: "шоввозлар" айна шу туйнукдан уйдаги қўлга илинадиган ашёларни олиб чиқиб кетишган эди.

НОРОЗИЛИКНИНГ АНТИҚА ШАКЛИ

Жанубий Американинг Малелане шаҳри атрофидаги йўлларда бирданига транспортлар юролма, тикилинч бўлиб қолди. Ҳайдовчилар антиқа томоша кўча бўйлаб кетаётган яланғоч қора танли аёлларни кўриб, анграйиб қолдилар. Маълум бўлишича, аёлларнинг бу тариқа норозилик билдиришларига сабаб, уқувсиз қабила бошлиқларидан оилаларини боқиш учун маккажўхори экишга ер ажратиб берилишига қилинаётган талаб экан. Полициячилар пайдо бўлиши билан аёллар дарҳол кийиндилар. Уларни полиция участкасига олиб келдилар. Судья уларнинг арз-додларига кулоқ солмай "жамоат тартибини бузганликлари учун" қаттиқ айблади ва гаров билан уларни очикда қолдирди. Суд куни белгиланди. Бироқ аёллар хурсанд: норозиликларини гайритабиий шаклда ифодалаб бўлсада ўз муаммоларига жамоатчилик эътиборини қарата олдилар.

БУЁФИ ЧАТОҚ БЎЛДИ...

Уфалик паришонхотир аёл ремонт қилдириш учун тасодифан дуч келиб қолган устада қолдирган сумкачасини қайтиб оларкан, унинг ичидаги хаёлидан кўтарилиб, унутиб қолдирган бир ярим минг долларини бус-бутун ҳолда қайтарилганидан ҳаяжонланиб, газета орқали устага миннатдорчилик билдирмоқчи бўлди ва унинг исм-фамилиясини сўради. Лекин уста ўзини танитишдан бош тортди:

- Газетада фамилиям чиққач, солиқчилар ўша заҳоти мени топиб оладилар. Мен эса улардан яширинча ишлайман, - дея изохлади у ўз ташвишини.

СОЛИҚЧИЛАРИНИНГ "ТОПҚИРЛИГИ"

Швецияда солиқларнинг ўта юқорилиги кўпчиликни турли йўллар билан унга "чап бериш" йўлини қидиришга мажбур қилмоқда. Шу жумладан ит ва мушукларнинг эгалари ўз жониворлари учун солиқ тўламамаслик мақсадида уларни умуман вовулатмаслик ва миевлатмасликка уринадилар. Бироқ солиқ полицияси ҳам анойи эмас. Улар кўп қаватли уйлар хонадонлари эшигига сездирмай келиб, бирдан "вовуллаб" юборадилар. Бунга жавобан эса уйдаги тўрт оёқли жониворларнинг овоз беришига шубҳа йўқ.

ОЛТИН ТҮЙГА - ТҮЁНА

Германия Федератив Республикасидаги Биттерфельд деган жойда яшовчи Отто Теер исмли одам олти йил олдин никоҳ узугини йўқотиб, кўнгли анча хира бўлганди. Ва ниҳоят олти йилдан кейин - никоҳ тўйининг 50 йиллиги арафасида табиат унга йўқолган тилла узугини "қайтиб" берди: етиштирган сабзи ҳосилини йиғиб олаётганда узук "таққан" сабзи чиқиб келди!



ЭЗГУЛИКНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ...

У дастлаб полициячини қаттиқ ярадор қилди - полициячининг ҳаёти хавф остида қолди. Уни ўлим жазосига ҳукм қилдилар. Кейин ўлим жазосини умрбод қамоқ билан алмаштирдилар. Морис Филипп қамоқхонада бир неча йил "ўтиргандан" кейин умрбодлик муддатини "ўрта асрлар тарихи ва археологияни ўрганиш" билан ўтказишга аҳд қилди. Франция қамоқхонасидаги шароит бунга имкон берарди. Филипп бу ишга шунчалик қизиқиб кетдики, қамоқхонада зўр муваффақият билан докторлик диссертациясини ёқлаб, квалификация қайъатнинг мақтовига сазовор бўлди. Бинобарин унинг қамоқхонада ўтган йигирма йиллик умридан ўн беш йили шу ишга сарфланди.

Унинг фандаги муваффақиятларини ҳисобга олиб, қамоқдан озод қилдилар. Морисни Тур шаҳри тарихи ва археологияси Ассоциацияси ишга қабул қилди. Ҳозир у Франциянинг гарбидаги Турдаги археологик қазималарда иштирок этмоқда. У ҳақда "меҳнати ва билими билан одамлар олдидаги гуноҳини ювди" демоқдалар.

УЙ ЎРНИДА... КУЛТЕПА

Меъёрни билмаслик асални ҳам заҳарга айлантиради. Литвадаги Говалтува қишлоғида яшовчи Кестутис Сабаснинг ортиқча "шўхлик"лари хонадонининг куйиб кул бўлишига сабаб бўлди.

21 ёшли бу йигит кечқурун гирт маст ҳолда уйга қайти-ю, ўзича "кўнғил ҳуши" қила бошлади: идиш-товоқларни, ойналарни уриб синдирди. Кейин хона ўртасида... гулхан ёқди. Омборхонада гимирлаб юрган ота оловни кўриб югуриб келганда вақт ўтганди. Етиб келган ўт ўчирувчилар ҳам ҳол нарса қилолмадилар: уй ўрнида бир уюм кул қолди, холос. Кестутиснинг устидан жинойи иш қўзғатилишига ота-онаси қарши: "Оилани ким боқадим?" демоқда улар.



Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлаган.

КУЛГУ БЕКАМУ



ҚОШИНГНИ ТЕРДИРДИНГМИ?

Эрининг ўзига нисбатан эътиборсиз бўлиб, ҳа деб телевизорга термулиб ўтираверганидан безор бўлган аёл бир куни противогаз олиб келибди. Эр махлиё бўлиб футбол томоша қилаётганда:

- Адаси, менга қаранг, - депти аёл, эр қорамабди. Фаши келган хотин противогазни кийиб чиқибди.

- Менга қаранг, деяпман!
- Грипп бўлибсанми, овозинг дўрилляпти? - экрандан кўз узмабди эр.

- Менга қарасангиз-чи?! - тоқати-тоқ бўлибди аёлнинг. Ноилож қолган эр унга бир қарабди-ю:

- Ие, қошингни тердирдингми, онаси? - деганича яна футбол томоша қилаверибди.

Ширинтойлар сўзлаганда

ДАРАХТ ҲАМ ОДАМ...

- Манави жойидан мундоқ боссанг, чироғи ёнади, - ўргатди шаҳардан қишлоққа меҳмонга келган Рустамбекка холаси кечқурун қўлчирикни бериб, - деразадан боғ томонга ёқсанг - дарахтларни кўрасан...

- Йўқ, холажон, қўлчирикни ёқмайман, - рад этди Рустамбек. - Дарахтлар кўрқиб кетишади. Ахир улар ҳам одам, ҳозир ухлашяпти...

БУҚАЧА ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Холасининг ҳовлисини айланиб юриб, молхонада боғлоглик турган бузоқни кўриб, Рустамбек сўради:

- Хола, бу сигир-а?
- Йўқ, бу - буқача.

Рустам бувисининг ёнига югуриб борди:
- Бувижон, буқача қаердан пайдо бўлади, биласизми? Бузоқчани жигарранга бўялса - буқача пайдо бўлади.

СИЗНИНГ ИСМИНГИЗ - БУВИЖОН

- Бувижон, исмингиз нима? - сўради икки ярим ёшли Зиёдахон.

Бувиси исмини айтди.
- Йўқ, сизнинг исмингиз - бувижон-ку?!

ШКАФИМИЗ ГАПИРЯПТИ

- Рустам, шкафдан кийимимни олиб чиқ, ўғлим, - деди адаси.

Рустам хонага кириб, кийим шкафини очди-ю, тезда ранги оқариб, қайтиб чиқди:

- Ада, шкафимиз гапиряпти!
Маълум бўлишича, ишдан келган адаси рациясини шкафнинг болалар қўли етмас жойига қўйган, ўша гапириб юборган экан...

КИНЕСКОПЛАРНИ РЕГЕНЕРАЦИЯ ҚИЛИШ

Ҳар қандай кинескопларни қайтадан сошлаб янгилаб берамиз

Регенерация қилиш муддати 10 кун

Телевизорлар ва аудио-видеоаппаратураларни таъмирлаймиз. «ПАЛ», «ДУ», «НЧ», «ДМВ»ларни ўрнатамиз.

Мутахассисларимиз уйингизда Соат 9.00 дан 18.00 гача ҳам хизмат кўрсатишади. Дам олиш куни ва танаффуссиз ишлаймиз. Тўлов усули - Сизга маълум.

Ишлатилган, кораксиз телевизор ва кинескопларни, ТТИ-2 260/12 генератор лампалари, ГВЧТ-0,5 генератори сотиб оламиз. Тошкентда ва бошқа воҳаларда дилерлар ишлаймиз.

Манзилимиз: Тошкент ш. Ғалаба кўчаси, 1-уй. (ТСКБ'нинг транспортлар хизмати дарвозасига туташган 3 қаватли бинода).

Мўлжал - Сағбан кўчаси Софий проспекти билан туташадиган жойда, Собир Раҳимов тумани Ички ишлар бошқармаси, Хромиент, АЕКТ.

Транспортлар: 65, 85, 82-автобусларнинг "Ирригация бўйича ТСКБ" бекати.

Тел.: (3712) 48-18-64, 48-12-25, 48-04-68.

Хуллас, шундай қилиб, оила қурилди. Менинг биринчи оилам бузилган, ўнга кирган ўғлим бор эди. У ҳам хотини билан ажрашган экан. Униқиди яшай бошладик.

Пиянистага турмушга чиққанам ҳақидаги шубҳа ота-онамникига меҳмонга борганимиздан кейин уйғонди. У ўшанда бир қултум ҳам арақ ичмади. Ўтирганлар жуда кўп қистадилар, лекин ҳеч ким мажбур қилолмади. Шунда дугонам секин “Буни кўпдан бери биласанми, менимча, ё жиддий касал ёки алкоголик” деб шипшиди. “Эринг сира ичмайди, яхши экан” деди онам. Улар худди алкаш ҳақида гапирётгандай гапирётганларидан хафа бўлдим.

Аммо улар бир балони сезган эканлар. Дамин ака ярим йилча ҳушёр юрди, холос. Кейин эса бошланди-ю кетди. Унинг минг хил азобларига чидашим керак эди. Тагин, бунинг устига, менинг бир хонали уйимни сотмоқчи бўларди. “Уй ўғлимга туради” деб сира унамадим, тўғри қилган эканман. Биз бир неча марта ажрашдик. Албатта, ҳар қандай аёл оилани сақлаб қолмоқчи бўлади. Дамин ака буни бошқача тушунар, битта боласи билан менсиз яшаёлмайди, деб ўйлаб истаган кўйига соларди.

У авваллари маст келганда минг-минг кечирим сўрарди, мен ўртоқларини, бирга ишлайдиганларини айблардим, фақат ўзини эмас. Кейинчалик эса узил-кесил “алкоголик” деган фикрга келдим.

Тўсатдан ўғлим касал бўлиб шифохонага тушди. Ҳар куни уни кўрган боришим керак эди. Шифохонадан эса бир варақ дори-дармон рўйхатини бериб юборардилар. Пул етишмасди. Қиш яқинлашар, этигим йўқ эди. Дамин акага эса ичкилик бўлса бас, дунёни сув олса тўпигига чиқмас эди. Хушёрлигида бошқа оғзимга олмайман, деб астойдил қасам ичар, кейин яна бошлайверарди. Уч ойлаб маошини кўрмадим.

Бир гал автохалокатга учрадик. Худо асради, бўлмаса, нариги дунёга кетардик. Эрим фирт маст эди. Колхозга унинг танишиникига боргандик. У ерда Дамин ака тўйиб ичиб олди. Кейин яна битта шишани очишга йўл қўймаганим учун мен билан гижиллашишга тушди. Мен фалокатни сезиб уйга қайтишни истамадим. Ўша ерда қолиб қуруқ ерда ётишга ҳам тайёр эдим. Лекин ўртоғининг хотини жўнашга кўндирди. “Неча марта маст рулга ўтира-

ди, ҳеч нарса бўлмаган”, деди...

Йўл сирғанчиқ эди, бунинг устига, қоронғу. Машина бирдан сирғаниб четга чиқиб кетди, нимагадир зарб билан урилди. Фақат шунга эсламан. Кўзимни очганимда қорга кўмилиб ётардим. “Москвич” тескари тўнкарилиб кетган, тубидан аланга кўтариларди. Атроф жим-жит, тиқ этган овоз йўқ. Оловни ўчиришга югурдим. Устига қор ташлаб ўчирдим, ўғлимни чақирдим: “Бо-

лаган сочларини химарган бўлди.

— Бир нарса дейишим кийин, — деди сўнг паллагда овозда. — Алкашлар ҳар хил одам билан юради-да. Умуман, унинг ҳаётига кам қизиқаман, нима кераги ҳам бор?

— Ёшгина аёлга уйланигани эшитганмисиз?

— Эшитдим... Ана ўша ўйнашига ўлдиртириб юборгандир-да. Ҳамма менга ўхшаб бардошли эмас-ку.

Терговчи калласида турли-туман ўйлар гузгон

“Эл-юрт осойишталиги ҳимоясида” танловига

— Бу, Дамин ака кўринмайди?

Кабир оғзини ярим очганча анграиб қаради, Ортиқовнинг елкасига туртди.

— Ие, эшитмадингизми, ие! — хитоб қилди у.

— Ўлдириб кетишди-ку! — деди Қодир винога тикилиб йўталганча.

— Вой, мен эшитмовдим. Ким ўлдирибди, нимага? — Ортиқов ёлғондакам ҳайратланди.

— Ким биледи. Ҳали

Терговчи Набижон Ортиқов барча тахминларни имкони борица текшириб чиқди. Мақкам ушлашга арзийдиган далил тутқич бермасди сира. Марҳумнинг ўлимидан фақат хотини Дилдорагина манфаатдордай эди гўё. Лекин у қандай ўлдирган? Ўзининг қўлидан келиши қийин, қотил ёллашга пули йўқ, унинг учун одам ўлдиршга ҳам тайёр ўйнаши аниқланмади. Дилдора-

рия қоғозлари топилди. Агар ҳужжатлар марҳумнинг номига ёзилган бўлса, унинг исм-фамилияси П. Чориев эди. У тўрт жойи — қорнига икки, кўкраги ва бўйнига бир мартадан пичоқ уриб ўлдирилганди.

Терговчи Ортиқовнинг мияси зўр бериб ишлаб бошлади. Чунки, бир ҳудудда қисқа муддатда икки ўлик топилиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди. “Иккала ўлимнинг боғлиқлик жойи йўқмикин? — деб ўйлади терговчи ва шошиб қолди. — Қандай боғлиқлик бўлиши мумкин?.. Биринчиси...” Ортиқов бошини илкис кўтарди, пешанасига шাপатилди. Ҳамма ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Чивин чақдими? — сўради эксперт Акмал ака.

— Э, октябрда чивинга бало борми? — дея хитоб қилди терговчи. — Марҳумнинг костюми қани? Ҳозир одам кўйлақчан юрмайди-ку!

— Ҳа, қани? — деди эксперт. — Қотил ечиб олган.

— Ана! Ўша костюмни кимнинг устида кўргангинизни эслолмаяпсизми? Наҳотки?! Ахир, аввал топилган мурда устида эди-ку! — Ортиқов баттар қизишди. — Яғири чиқиб кетган шиму йиртиқ ботинкага янги костюм кийиб олганига ҳайрон ҳам бўлмабмиз-а! Тавба! Майкачан одам бўйинбоғ таққандай гап эди-ку!

Экспертнинг кўзлари катта-катта очилди. Бошқа милиция ходимлари ҳам ишдан тўхтаб Ортиқовнинг оғзига тикилиб қолгандилар.

— Уни қаранг-а! — деди эксперт пешанаси тиришиб. — Аниқ, ўша костюм мана бу шимники! Ажаб, ажаб! Бир мурданинг костюми иккинчи мурдага қандай кийилиб қолди экан?

— Ҳа, топиб олаверинг... Атрофни яхшилаб қидиринглар, — буюрди Ортиқов. — Ҳеч нарса назардан қочмасин.

Ходимлар майдонни ўзаро бўлиб олишиб кўздан кечириб бошладилар. Топилган нарсалар қоғозга қайд қилиб борилаверди. Лекин улар диққатга сазовор эмасди. Тўсатдан ходимлардан бири ҳовлиқиб қўлидаги қоғозни баланд кўтариб силкитди.

— Мана, ўртоқ майор! Қаранг!

Ортиқов қоғоздаги хатни ўқиди: “Тилхат. Мен Қудрат Аъзамхўжаев бераман ушбу тилхатни шу ҳақдаким, ҳақиқатан ҳам мен Парда Чориевдан 10 минг доллар қарз олганман. Шу қарзимни 1 октябрда узаман...”

Ориф Фармон

Миллҳайт

(Ҳикоя)

лам, тирикмисан?!” Ўғлим овоз берди. Эрим кўринди. Бирор жойи қирилмабди ҳам. Менинг пешанамда эса ёнғоқдай гурра. Худога шукр, ўғлим ҳам саломат эди.

Эрим шундоқ ҳам шалоғи чиқиб зўрға юрган машинасида ажралди, унча-мунча пулга тузатиб бўлмасди. Бу жуда катта баҳона эди. Тинимсиз ичди. Уч кун эшик тагида пальтосини ечмай ётди, ишхонасида шу аҳволда олиб келишганди. Заводда ишларди. У “стресс”дан қутулмоқчи эмиш. Мен қандай қутулишим керак эди? Ундан жирканадиган бўлиб қолдим. Асабларим толиқди. Сал жаҳлим чиқса, юзимга қизил доғлар тошиб кетар, ўзимни кўярга жой тополмай қолардим. Охири, у жиннихонага тушди. Кечаси ичкиликдан “оқ иситма” бошланди. У хонада ваҳшийларча айланиб югурар, бақирар, деворни муштлар, қўлига тушган нарсани отарди. Оғзидан кўпик чиқиб кетди. Қўшнилardan бири милиция чақирибди. Улар жиннихонага жўнатилди.

У ердан олиб чиқдик. Яна икки йилгина бирга яшай олдим. Кейин бўлмади. Юрагимда кўрғошиндай оғир дард билан чиқиб кетдим.

Майор бирпас сукут сақлагач, деди:

— Дамин ўлган.

Аёл бошини илкис кўтарди, кўзларида алланима “йилт” этди.

— Бу аҳволда узоққа боролмаслигини билардим, — деди салмоқлаб. Агар кетмаганимда бир кунмас, бир кун ё менга, ё ўғлимга пичоқ тиқиб олиши ҳеч гап эмасди. Кейинги пайтларда пичоқ кўтариб юрадиган бўлиб қолганди.

— Уни кимдир ўлдирган. Даминнинг ўлими кимга керак бўлиши мумкин?

Аёл ўйланиб иягини силади, эрта оқара бош-

ўйнаганча хонадонни тарк этди.

Терговчи марҳум Дамин Давлатов кўп бўлиб турадиган дўконлар атрофини айланиб юраркан, дарахт тагида битта шишани ўртага қўйиб олиб гурунглашайтган икки кишига қўзи тушди ва уларнинг ёнига борди.

— Қалай, аҳволлар яхшими?

— Дуруст, — деди улардан бири хириллаб.

— Озгина оласизми? — сўради кал боши муштдайгина, қоши оқариб кетган иккинчиси.

— Ҳозир, мен ҳам олиб келай, — деди терговчи Ортиқов ва дўкон томон юрди. Улфатлар мамнун бир-бирларига қараб қўйдилар. Ортиқов уқувсизлик билан шишани очишга уринаркан, алкашлардан бири қўл чўзди. У шишанинг пластмасса қопқоғини ёрилиб кетган, қоп-қора, йўғон бармоқлари билан шартта йиртиб олди. Шериги Ортиқовга қараб мақтанганнамо иршайди.

Улфатлар резина ҳиди келиб турган винони бўлиб ича бошладилар.

— Қани, олинг, домла, — деди улфатлардан бири — Кабир, пластмасса стаканни узатиб.

Ортиқов озгина тотиди-ю афти буришди.

— Фу, ҳиди бунча ёмон бунинг!

— Бошида шундақа, — деди иккинчи улфат — Қодир. — Кейин билинмай кетади... Шу, ҳар йили ёзда бир тонна вино ясайман, деб қасам ичман. Узум пишганда пулим бўлмайди. Ҳар йили шу. Кавказдаги ўхшаб бочкалаб вино солиб қўйсанг, ҳеч кимга мухтож бўлмайсан.

— Алкаш ҳам бўлмайсан, — уни қувватлади Кабир.

Ортиқов у узатган бир тишлам қотган нонни оларкан, сўради:

топишгани йўқ, — деди Кабир.

— Тополмайди ҳам, — деди Қодир бурнини мушти билан ишқаб.

— Нимага? — сўради терговчи.

Қодир қўл силтади.

— Уни ўлдиргани топиш кимга ҳам керак? Хотини “тинчайтворган” бирорта ўйнашига айтиб. Меники ҳам “Шу аҳволда юраверсангиз, заҳар бериб гумдон қиламан” деяпти.

Қодир сарғиш, сўйлоқ тишларини кўрсатиб хингиллади.

— Ана, мен тўғри қилибманми? Тинчгина темир гаражда яшаяпман, ўзим хон...

Ортиқов шишани қўлида айлантирди ва деди:

— Тамом бўлдими? Ҳозир олиб келаман. — У шишани алмаштириб келди. — Кеча ҳазил-ҳазил билан анча “олибмиз”. Ҳозир бошим қовоқ. Қани, қуйинг... Ҳа-а, Дамин акага чатоқ бўлибди-да.

— Энди ишга кираман деб юрувди. Қўли озгина пул кўрди. Битта таниши бор экан. Ўша ёрдам бераман, деган экан. Фирмада ишлайди.

— Ўша танишининг отини билмайсизми? Қайси фирмада ишларкан? — сўради Ортиқов.

— Бир марта кўрувдим. Жа бақувват одамга ўхшайди. Оқ “Нексия”си бор. Отини билмайман. — Қодир стаканни бўшатиб лабларини артди.

— Машинасининг номерини ҳам билмайсизми? — сўради Ортиқов.

— 19.30... Нимага эслаб қолганимни биласизми? Туғилган йили 1950. — Қодир яйраб қулди.

Ортиқов улар билан хайрлашиб жўнади. Оқ “Нексия” эгасини аниқлади. Бироқ ундан, яъни Қудрат Аъзамхўжаевдан бирор фойдали маълумот ололмади.

**Улугбек Бурхонович
ЗОКИРОВ**

Хизмат вази-
фасини бажа-
риш чогида Тош-
кент шаҳар Ми-
робод тумани
ИИБ Жиноят-
қидирув бўлими
бўлинмасининг
тезкор вакили,
милиция сержан-
ти Улугбек Бур-
хонович Зокиров



фожиали ҳалок бўлди.
У. Зокиров 1970 йилда Фарғона вилоя-
тида туғилди. Ички ишлар идораларида
фаолиятини 1990 йил декабрида Фарғона
вилояти ИИБда оддий милиционер вази-
фасидан бошлади.


У. Зокиров кейинчалик Тошкент шаҳар
Яккасарой тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқ-
лаш бўлимининг милиционери, кичик инс-
пектори, Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ ЙПХ
бўлинмаси инспектори лавозимларида
хизмат қилди. У қайси лавозимда фаолият
кўрсатмасин, тиришқоқлиги, ўз вазифа-
сига сидқидилдан муносабатда бўлиши би-
лан ажралиб турар эди.

У. Зокиров 1999 йилда ИИБ Академия-
сини тамомлади. Унинг орзу-умидлари
ҳали кўп эди. Лекин қасамёдига содиқ қол-
ди, эл-юрт осойишталиги йўлида ўз жони-
ни фидо қилди.

У. Зокировнинг ёрқин хотираси хизмат-
дошлари, ҳамкасб дўстлари, халқимиз қал-
бида мангу яшайди. Унинг оила аъзолари
ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдира-
миз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ,
Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти
ва шахсий таркиби.**

KROSSWORD



Энига: 7. Халқ дostonлари ижодкори.
(4). 9. Миллий таом. (1). 11. Вақт ўлчови
бирлиги. (1). 13. Билиш, қобилият. (2). 15.
Фикрни сўз орқали ифодалаш. (4). 21.
Сўзларни тўғри ёзиш қоидалари мажмуи.
(1). 23. Марказий Осиёдаги республика
пойтахти. (3). 25. Маълум соҳага оид қонун-
қоида, тартиблар мажмуи. (3). 27. Ола
қанотли, узун думли қуш. (2). 29. Уруғидан
ичимлик тайёрланадиган жануб ўсимлиги.
(2). 34. Европада дворянлик унвони. (4). 36.
Яйловда боқилаётган жониворлар "жамоа-
си". (4). 39. Эстрада дастаси. (3). 41. Кав-
каздаги республика пойтахти. (1). 49. Кўча
қисми. (1). 51. Халқ хўжалигида пул маб-
лағларини бошқарувчи муассаса. (3). 53.
Маҳсулотга қўйиладиган белги. (3). 55. Етти

кун. (1). 57. Балиқ тури. (2). 63. Бирор гоёга ўзини бағиш-
лаш. (2). 65. Мусиқа асари. (4). 67. Ҳиндистондаги дарё. (2).
69. Шоҳмот донаси. (2). 71. Мол айрибошлаш соҳаси, тижо-
рат. (5).

Бўйига: 1. Далага қишки сув бериш. (2). 2. Хўл мева. (1).
3. Модданинг майда зарраси. (1). 4. Кимёвий модда. (1). 5.
Газ, ёқилги. (3). 16. Металл. (2). 17. Юқори қисми ярим шар
шаклидаги дарвоза. (1). 18. Рўзгор буюми, идиш. (3). 19.
Қуш. (4). 20. Ўзбек халқ эртаги қаҳрамони. (4). 31. Саҳна
асари. (1). 32. Афсонавий улкан илон. (1). 37. Тошкентдан
оқиб ўтувчи сув йўли. (3). 38. Кавказдаги дарё. (1). 43. Хунар-
манд. (3). 44. Бадий асарда яратилган қаҳрамон. (5). 45.
Халқнинг тарихий бирлиги. (2). 46. Орзу, истак. (1). 47. "Шаш-
мақом" рақс куйи номи. (2). 58. Қитъа. (2). 59. XVIII асрда
яшаб ўтган шотланд иқтисодчиси ва файласуф олими. (2).
60. Хўл мева. (2). 61. Кемаларга йўл кўрсатиш мақсадида
қурилган минора. (1). 62. Россияда ишлаб чиқарилган авто-
мобиль русуми. (1).

**Белгиланган хонадан соат мили бўйича рақам атро-
фига:** 6. Келишмовчиликни ҳал этиш учун томонларнинг ро-
злиги билан сайланган ҳакамлар суди. (2). 8. Хушбўй жануб
меvasи. (2). 10. Тригонометрик функция. (6). 12. Оғир ҳар-
бий ва жиноий ишларни кўриб чиқиш билан шуғулланувчи
махсус суд ташкилоти. (8). 14. Тилшунослик фани бўлими.
(3). 22. Бирор нарсани яратувчи киши. (1). 24. АҚШда пар-
ламент номи. (2). 26. Маълум бир масалани ҳал этишга оид
фикрлашув. (3). 28. Аёллар исми. (1). 30. Меваси шифобахш
тоғ ўсимлиги. (1). 33. Қадимда шарқ мамлакатларидаги ша-
ҳарлар марказий майдони. (3). 35. Воқеа-ҳодисаларга оид
матбуот хабари. (1). 40. Қурилиш ишларида фойдаланила-
диган техника. (2). 42. Хушбўй манзарали ўсимлик. (4). 48.
Югославиялик шоҳмот гроссмейстери. (8). 50. Автомобиль
тури. (3). 52. Шоҳмот бўйича жаҳон чемпионларидан бири.
(5). 54. Беш мисрадан иборат бўлган шеър. (1). 56. Алишер
Навоий достонидаги адолатли шоҳ сиймоси. (1). 64. Евро-
падаги давлат пойтахти. (2). 66. Ҳиндистондаги машҳур ем-
морлик обидаси. (8). 68. Давлатнинг хорижий мамлакатлар
билан алоқа ишларини олиб боровчи вакили. (2). 70. Овқат-
ланиш ва хордиқ чиқариш маскани. (4). 72. Мамлакатимиз-
даги шаҳар. (1).

МУАММОНОМА

**Куйидаги рақамлар кроссворд жавоб сўзлари тарти-
бини англатади. Уларни сўзлар таърифидан сўнг қавс
ичида берилган тартибдаги ҳарфлар билан алмашти-
риб, муаммонани ҳал этинг.**

- 27; 25; 21; 18. 33; 29; 44; 16; 65; 1; 71; 9; 39; 36; 38.
14; 17; 7; 6; 51; 57; 35; 63; 53; 19; 72; 33; 67.
23; 16; 37; 33; 46; 11; 21. 49; 69; 43. 46; 48; 46; 9.
71; 41; 46; 62; 3. 22; 2; 45; 20; 22. 70; 46; 35; 34; 17.
1; 21; 60. 1; 5; 41; 32; 38; 12; 10; 6; 13; 67; 14.
59; 46; 30; 70; 3; 25; 57; 61. 40; 24; 15; 63; 47.
41; 2; 60; 56; 41. 31; 52; 64; 28; 19; 49.
50; 46; 1; 66; 68; 58; 20; 54; 69; 72.
41; 2; 60; 20; 42; 33.

**Улардан сизларга қарата айтилган даъват сўзлари-
мизни билиб оласиз.**

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

**KELGUSI HAFTA UCHUN
MUNAJJIMLAR BASHORATI**

КҮЙ (21 март – 20 апрель)

Хафтанинг бошида иш жойингизда ташаббус билан чиқинг, сизнинг барча таклифларингиз ҳамкасблар томонидан маъқулланади. Пайшанба кuni муҳим маълумотни қўлга киритишингиз эҳтимолдан холи эмас. Шанба кuni севгон кишингиз билан мулоқот қилиш учун вақт ажратинг.

СИГИР (21 апрель – 21 май)

Душанба ва сешанба кuni ҳар қандай тижорат ишларида муваффақият қозонасиз. Имкониятни бой берманг. Ижод билан шуғулланиш учун шанба қулай кундир. Дам олиш кунлари хонадонингизда тўпланиб қолган юмушларни бажариб оласиз. Шунингдек, қариндошларингиз билан бўладиган мулоқот узоқ вақт ёдингизда қолади.

ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь)

Хафтанинг биринчи ярмида кўшимча даромад ишлаб олиш мақсадида талайгина сафарларга чиқишингизга тўғри келади. Жума кuni босиқлигингиз ва ўзингизга бўлган ишончгина низо келиб чиқишига йўл қўймайди. Яқшанба – меҳмондорчилик учун қулай кундир.

ҚИСҚИЧАҚА (22 июнь – 23 июль)

Сешанбадан пайшанбагача бўлган вақт ичида оилавий муаммолар осонгина ҳал этилади. Жума кuni яқин кишингизнинг беқиёс ғамхўрлиги мавқеингиз яхшиланишига олиб келади. Дам олиш кунлари яхши харид кутилмоқда.

АРСЛОН (24 июль – 23 август)

Сизни ташвишга солаётган муаммоларни ўз идрокингиз ва куч-қувватингиз билан ҳал этишингиз мумкин. Ҳатто яқин кишиларингизга ҳам ишонманг. Бундан бирор наф чиқиши амримаҳол. Муваффақиятнинг бош омили ҳаракат ва яна ҳаракатдир.

БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь)

Хафтанинг бошида таваккал божарилаётган тadbирдан воз кечишни маслаҳат берамиз. Вазиятни ўзингиз яхшилаб таҳлил этиб кўринг. Пайшанба кuni кутилмаганда ҳаменингизга пул тушади.

ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь)

Душанба кундан сизга ишбилармонлик таклифи билан мувожаат қила бошлашади. Улардан энг қулайини танлаб олиб, амалга ошириш учун анча тер тўкишингизга тўғри келади. Агар урдасидан чиқа олсангиз яқин кунларда моддий аҳволингиз яхшиланади. Хафтанинг охирида саломатлигингизни тиклашга эътибор беринг.

ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь)

Сешанба кuni ишқий саргузашт кутилмоқда. Ижодий муваффақиятга жума кuni эришасиз. Шанба кунги харид оила аъзоларингизни хушнуд этади.

ЁЙ (23 ноябрь – 21 декабрь)

Касб маҳоратингиз ва ҳаётий тажрибангизга кўпчилик тан беради. Хафтанинг ўртасида ажойиб тadbирда иштирок этишни таклиф қилишади. Ҳеч иккимланмай рози бўлинг. Омад сиз томонда.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь)

Душанба-сешанба кунлари саломатлигингизнинг бироз ёмонлашуви кўзлаган ишларингизга бироз халақит бериши мумкин. Жума кuni яқин кишингиз ўзига эътибор беришингизни истойди. Дам олиш кунлари одатдаги юмушларни бажармай, бироз вазиятни ўзгартирганингиз маъқул.

ҚОВҒА (21 январь – 19 февраль)

Чоршанба-пайшанба кунлари жиддий ишларга киришавингиз, юлдузлар сиз томонда. Жума кuni онлангизда юзага келган келишмовчилик кайфиятингизга таъсир кўрсатади. Тушқунликка тушмай ўзингизни қўлга олишни маслаҳат берамиз.

БАЛИҚ (20 февраль – 20 март)

Ушбу ҳафта жуда тизиз ўтади. Агар эски қарзларингизни узишга ҳаракат қилсангиз бу сиз учун фойдадан холи эмас. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланинг. Шунда етти кун давомида кўзлаган мақсадингизга осонгина эришасиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБИХ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция полковниги **Василий Иванович НАТАЛИЧЕВИН** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ Бошқарма бошлиғи ўринбосари милиция подполковниги **Х. К. Некқадамбоева** отаси **Камолбек НЕКҚАДАМБОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Боёвут тумани ИИБ участка вакили, милиция капитани **Рустам МАХМУДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

**ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
TAHRIRIYATI**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1



Gazeta haftaning juma kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir
Zokir ATAYEV**

**Muharrir
Erkin SATTOROV**
(Bosh muharrir o'rinbosari v.b.)

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
**M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA**
Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari — 139-77-23.
muxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91,
peyjer: (088) 36-97, 55-19.

Reklama bo'limi
peyjer (088) 55-54

Bizning hisob raqamimiz
O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki
Toshkent shahar Bosh
boshqarmasi hisob-kitob —
kassa markazida:
21506000200447980001,
MFO 00014.

- Ko'chirib bosishda «Postda» dan ekanligini ko'rsatish shart
- Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.
- Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi.

Ro'yxatdan o'tish tartibi № 00007.
Buyurtma Γ — 1005.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 18.00.

Obuna raqami — 180

100 727 nusxada chop etildi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa konserni bosmaxonasi.
Korxonalar manzili:
Buyuk Taron ko'chasi
41-uy.